

«ИСТИҚЛОЛНИНГ УЛУФ КАДАМЛАРИ»

Лутфулло МАҲМУД

БОҒЛАРГА БАҲОР КЕЛДИ

«Тошкент ислом университети» нашриёти — 2001

**«Истиқлолнинг улуғ одимлари» туркумини
яратиш бўйича ижодий гуруҳ аъзолари.**

*Абдурашид Ғофуров (нашрга тайёрлаш гуруҳи раҳбари), Лутфулло Маҳмуд (муал-
лифлар гуруҳи раҳбари), Ашот Арутюнов, Шароф Шарипов, Шухрат Ҳасанов,
Абдулборий Зиёдов, Нодира Абдуллаева, Сарвар Очилов.*


*Шунингдек китобни нашрга тайёрлашда «Ўзмева сабзавотузумсаноат-Ҳолдинг»
корпорациясидан Б.Й.Йўлдошев, С.Ҳ.Ҳамидов ва Ю.Н.Мальянлар яқиндан ёрдам
бердилар.*

Таржимонлар: Аъзам Обидов, Тоҳира Алимова, Борис Голендер

26875

10 0

© «Тошкент ислом университети» нашриёти. 2001 й.



ЮКСАК ИШОНЧНИ ОКЛАШ УЧУН

Мева, сабзавот, узум етиштириш, уни қайта ишлаш саноати мустақил Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатимиз боғларида етиштирилган сархил мевалар азалдан дастурхонимизнинг кўрки — файзи бўлиб келган, яқин ва йироқ юртларнинг бозорида ҳам хамиша харидоргир бўлган.

Истиқлол йилларида республикаимиз раҳбарияти томонидан соҳа тараққиётига катта аҳамият берилди. Буни сўнгги уч йил мобайнида қабул қилинган қарорлар ҳам исботлаб турибди.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика мева-сабзавот хўжалигида монополиядан чиқариш ва ихтисослаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарорига асосан «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси ташкил этилиб, у ўз таркибига 27 фирма, 40 та қайта ишлаш корхоналари, 89 қишлоқ хўжалик, 15 қўшма корхона ва «Болалар таомлари холдинг» компанияси ўзининг 3 та корхонаси билан кирган.

Ўтган давр мобайнида Холдинг-компания ҳукуматимиз томонидан белгиланган вазифаларни амалга ошириб келди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бир неча марта кўпайди, маҳсулотнинг сифати ҳам анча яхшиланди. Натижада компания хизматчилари томонидан тайёрланган ноз-неъматлар ички ва ташқи бозорда ўзига муносиб жой эгаллади.

Кўлга киритилган ютуқлар ўзимизники.

Бирок, тизимимиз ходимлари доим изланишдалар, ижодий меҳнатни бўнаштирганлари, тўхтатганлари йўқ. Чунки хали эзгу ниятларимиз, режаларимиз улуг ва бу режаларни амалга ошириш учун имкониятларимиз етарли, ҳозирда бу имкониятларни ишга солиш учун фаол ҳаракат қилинапти.

Соҳа мутахассислари, барча ходимларимиз, боғбонларимиз, ишчиларимиз, ўз олдиларига ҳам эзгу, ҳам муҳим вазифаларни қўйишган, аниқ тадбирлар ҳам белгиланган. Уларни амалга ошириш натижасида холдинг компания корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори кескин кўпайди, сифати янада яхшиланади, экспорт имкониятларимизнинг ҳам бир қанча баробар ошиши кўзда тутилмоқда.

Ўтган йили холдинг корхоналари томонидан 100 миллиард сўмдан кўпроқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, экспортга 6 миллион 300 минг долларлик маҳсулот сотилди. Бу миқдор олдинги йилгига нисбатан 3–4 маротаба кўпдир.

Бу йил экспортга 11 миллион 800 минг долларлик маҳсулот сотишни режалаштирганмиз. Бу ўтган йилгига нисбатан 187 фоизни ташкил этади. Мана шу экспорт ҳажми ҳам биз учун охири марра эмас.



Сирғалида
ган шиша идиш-

ишга тушиши бизнинг қатор муаммоларимизни ҳал қилади деган умид-
дамиз. Чунки ушбу корхонада жаҳон андозаларига мос, ташқи кўрини-
ши кўркам, хилма-хил, ҳамда бурама копоқларга мўлжалланган гоёт
қулай шиша идишлар ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Яна бир муҳим вазифа чет эл инвесторлари билан ташкил этиладиган
қўшма корхоналарни кўпайтириш ва мамлакатимизда мулк шакли турли-
ча бўлган рақобатбардош корхоналарни ташкил этишдан иборат. Кейинги
уч-тўрт йил мобайнида 16 та қўшма корхона ташкил этилди. Уларда хол-
динг компаниясида ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг 20 фоизи тайёрлан-
моқда. Улар бу миқдорни янада кўпайтириш имкониятига эгадирлар.

Шаҳрисабздаги «Мевалар камалаги», Андижондаги «Андижон дур-
донаси», Фарғонадаги «Маҳмуд Саид» каби қўшма корхоналар соҳа-
нинг экспорт мавқеини кўтаришда ўзларининг сезиларли хиссаларини
қўшиб келмоқдалар.

Мухтарам юртбошимизнинг соҳамиз ходимларига ишонч билдириб
айтган шундай гаплари бор:

«Истеъмол хоссалари билан ажралиб турадиган мевалар ва узум Ўзбе-
кистонга азалдан шон-шуҳрат келтирган — бу ерда анжир, анор, хурмо
каби қимматли субтропик экинлар ҳам ўсади. Республикада уларни қайта
ишлайдиган қувватларни вужудга келтириш ва янги узилган ҳолида
республикадан ташқарида сотиш учун имкониятлар мавжуд. Республи-
када етиштириладиган мевалар ва узум экологик жиҳатдан соф бўлиб,
уларда кўп миқдорда қимматли озик моддалари ва дармондорилар бор.

Мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлашга замонавий технология-
лар, кадоклаш ва ўраш техникаси, маркетинг жорий этилса, тез ва юқо-
ри самара беришга қодир».

Соҳамиз хизматчилари Президентимизнинг ана шу сўзларини ўзлари
учун дастур ул амал дея қабул қилиб, уларни амалга ошириш борасида
астойдил меҳнат қилмоқдалар.

*Азимжон Аюпов,
«Ўзмева-сабзавот-узум-саноат-Холдинг»
корпорацияси раиси*

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТУБ МАҚСАДИ — ХАЛҚ МАНФААТИ

Олис сафарга чиқиш олдидан ҳар томонлама пухта, ақл ва малака билан тайёргарлик кўрган киши йўлда хоримайди, сафари кўнгилли кечади ва албатта кўнгли кўзлаган манзилга восил бўлади.

Шукрким, мамлакатимизда бу учун барча шароит муҳайё, ҳамма имконият бор: тинчлик, ахиллик, яқдиллик ҳукмрон. Халқимиз, миллатимиз бир тану бир жон бўлиб, «изланганга толе ёр» деган қондани дилга жо этганча меҳнат қилмоқда, шунча вақт муштоқлик-мунтазирликда кутилган ардоқли фарзандини, ўзбекнинг заминига хурлик, рўшнолик, адолат ва фаровонлик олиб келадиган азиз дилбандини — Истиқлолни тарбият қилмоқда.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-Холдинг» тизимига мансуб ўнлаб корхоналарга бориб, уларнинг кечаги ва бугунги ҳолати, ҳукм сурган фаол, қайнок жараён, олиб борилаётган яратувчилик, ижодкорлик ишлари, кўркам, ёруғ режалари, интилиш, изланишлари билан танишар эканмиз биз ўзининг Буюк Келажаги, дориломон Эртанги куни учун пухта тайёргарликни Хурриятнинг дастлабки кунлариданоқ дадил бошлаб юборган Ватанимиз — Ўзбекистонни кўргандек бўлдик.

Ушбу тайёргарлик, қанот боғлаб қилинган ҳаракат ва хушқайфият келтираётган эмин-эркин меҳнат бугунок ширин самаралари билан хушнуд этаётибди, эрган бу самаралар юз чандон, минг чандон мўлроқ бўлмоғидан умидвормиз. Иншооллоҳ, иншооллоҳ.

Тизим корхоналарида меҳнат жараёни замон талабига мансуб, жаҳонталаб микёслар, услублар, қонун-қавоидлар асосида ҳамда халқимизга хос азалий одатлар — совушни билмайдиган ғайрат, қайтишни танимайдиган ирода билан олиб борилаётир, бу-бир.

Иккинчиси, каттадир-кичикдир — барча корхоналарга, хўжаликларга энг янги, энг замонавий, дунё таҳсин айтган техникалар, ускуна-жихозларни олиб келиб ўрнатилмоқда.

Учинчи сабаб, омил ушбудирки, тизим ходимларининг (энг катта раҳбардан то оддий ишчига, боғбонга қадар) хўжаликнинг ери, боғига, ускуна жихозларга нисбатан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нисбатан муносабатлари ўзгарди. Далада ерни аяйдиган, суйиб, меҳр билан парвариш қиладиган, корхонада ускуналарни асраб, эҳтиёт қилиб ишлатадиган мулк эгаси пайдо бўлди.

Аён бўлдики, бу ўзимбўларчилик, худбинлик, ўзингни бил, ўзгани қўй каби тамойилларга олиб бормас экан. Аксинча, ҳар бир деҳқон ёки боғбон ўзига ажратилган ерни суйиб-ардоқлаб парвариш этиши билан бутун заминимизни асраб-авайлаш ишига ҳисса қўшар экан, ҳар бир ишчи ўзи ишлаётган техникани эҳтиёт қилиши билан, етиштирилаётган ва ёки тайёрланаётган маҳсулотнинг миқдо-



ри ва сифати
масъул билиши

учун ўзини
билан мамлакат

иқтисоди ривожига ёрдам берар экан.

Санайверсак, эришилган ютуқларнинг сабаби кўп, рисоламиз саҳифаларида улар ҳақида ба ҳадди ҳол сўзлагумиздир. Аммо, улардан бирини, бизнингча, энг муҳим сабабни ҳозирок айтиб ўтишимиз жоиздир.

Бу — халқ сари ўтказилаётган ислохотлар юкининг оғир томонини кўтараётган, ҳамма замонларда бўлганидай синов даври машаққатларини енгишда ҳам асосий куч-қудрат бўлиб қолаётган захматқаш, собир, иродаси, қудрати ғовларнинг тоғини емирадиган, тўсиқларнинг тўғонини бартараф этадиган одамларимиз истиқболи сари юзланилгани, у томон юрилганидир. Ҳамма муроду мақсадлар, уринишларнинг негизи, пойдеворида халқимизнинг мухтожлик, адолатсизлик, хўрлик-ўқсиниш сезмай дориломон ҳаёт кечиришини таъминлаш ғояси ётибди.

Очиғини айтиш керак, кўз кўриб, ақл идрок этиб турган ҳақиқатни инкор қилмоқ на даркор: хали бу борада қилинадиган ишларимиз бисёр, мустақилликка етдиг-у, ҳамма нарса изига тушиб, ҳамма ёқда тартиб ва адолат, фаровонлик устивор бўлиб қолди демак янглишдир. Муаммолар камчиликлар, ноқисликлар хали тўла бартараф этилгани йўқ. Лекин, бу йўлдаги ҳаракатнинг бошлангани ва изчиллик билан оғишмай давом этдирилаётгани аниқ.

Тизим ташкилотларининг фаолияти, у ерда ҳукм сурган умумқайфият билан танишар эканмиз, неча қайта амин бўлдик: ишчи-хизматчиларнинг маошлари бошқа соҳалардагига қараганда анча баланд экан, улар ўзлари ишлаётган корхоналари чиқарган акцияларни сотиб олганлари учун дурустгина дивидентга ҳам эга бўлаётирлар. Дам олиш, даволаниш билан боғлиқ сарфу харажатларнинг катта бир қисми ҳам корхона ҳисобидан қопланмоқда. Мукофотлар, байрам кунларида суюнчи пуллари берилаяпти. Ижтимоий муҳофазанинг бу ва бошқа турларини кенг қўламда қўллаб борилаётгани ҳақида раҳбарлар эмас, жамоа аъзоларининг ўзлари мамнунлик ила сўзладилар.

Бошқача бўлиши мумкинми эди!

Кўҳна тарихни қўйиб турайлик, шу, ўтган XX асрнинг ўзида мамлакатимизда неча бор сиёсат ўзгарди — ҳаёлингиздан ўткизиб кўринг.

Салтанат тахтига ўтирган ҳар янги султон ўзидан аввалги ҳукмдорнинг ортидан тош отишдан иш бошлади, биз бошқа йўлдан борамиз деган широр билан аравани қалдиратиб, чанг-гўзон кўтариб бир ўзга томонларга ҳайдайверди.

Янги султон аввалгиси чизганидан кўркамроқ, мукамалроқ, жим-жимадорроқ нақшлар чизди. Афкор омма назари кўзгусига — рўёвий қасрлар ваъдадан ваъдага ўтган сари юксалиброқ бордилар, ҳаёлий боғ-



ларда ҳеч ким
сархил мевалар-

яверди, ижтимоий ҳаётда эса дунё тарихи кўрмаган адолат ҳадемай, эрта ё индин устивор бўлиши ҳақида лоф-қофлар урилди. Оқибат эса, «Бояги-бояги, Болтахўжанинг таёғи» бўлиб қолаверди. Эски тўралар, юлғичлар, калондимоғлар, порахўрлар, моли мардумхўрлар ўрнини ян-гилари эгалладилар, ҳақсизлик, зулмнинг нағмаси, ўйини ўзгарди, хо-лос.

етолмайдиган
нинг тури кўпа-

Одамни яхши ният, эзгу мақсад йўлидаги кураш, меҳнат чарчат-майди, зада қилмайди. Неча йиллик интилиш, уринишдан кейин етиб борган манзилингда исталган, ваъда қилинган нарсанинг топилмаган-лиги ёки қанча йўл босилмасин, қанча машаққат чекилмасин дорилла-монлик манзиллари, олтин водийларнинг ҳеч яқин кела қолмаслиги хоритади.

Истиклол — ажодларимизнинг ушалган орзу-армони, миллатимизга Аллоҳ таоло ато этган улуғ неъмат, саодат шунинг учун ҳам қадрлики, биз ўз заминимизда кимларнингдир кўрсатмаси, амри-фармони, зўравонлик билан тикиштирган урф-қадриятлари, мафкураси бўйича эмас, ўз маънавий пойдеворларимиз, эътиқодимиз, миллий мафкурамиз асо-сида янги Ватан, янги давлатни қуриш имконига мушарраф бўлдиқ. Эркин Воҳидов айтганларидай:

*Бу Ватанда бир Ватан қурмоқни истайдир кўнги,
Беқафас қушдек ўзин кўрмоқни истайдир кўнги.*

Ана шу имконни эҳтиёт қилиш, ундан оқилона истифода этиш дар-кор, миллатимиз, Ўзбекистонда яшаётган барча халқларнинг ҳамжи-ҳатлиги, яқдиллиги, ўзаро муносабатларида адолат, ҳурмат, бағрикенг-лик даркор шу кунларда ва абадул абад.

Давлатимиз раҳбарияти шунинг учун ҳам ислохотларнинг халқи-мизни қийнаб қўймайдиган йўлини танлади, бозор муносабатларига ўтиш жараёни аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза этиш тадбирлари би-лан бирга қўшиб олиб борилмоқда. «Ўзмевасабзавотузумсаноат» тизи-ми корхоналарида биз кузатганимиз — жамоа аъзоларининг турмуш шароитларини, ҳаёт даражаларини яхшилаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ана шу сиёсатнинг амалдаги исботидир.

Бу ўз навбатида, юртбошимиз Ислом Каримов айтганидек, «одам-ларнинг меҳнат фаоллигини оширишга, уларда тадбиркорлик руҳининг ривожланишига» ёрдам бермоқда.

«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ

Компания Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилдаги «Республика мева-сабзавот хўжалигида монополиядан чиқариш ва ихтисослаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этилган.

Холдинг компания ва ҳудудий, яъни вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги «Мевасабзавот» уюшмалари республика ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирувчи соҳалари тараққиётини жадаллаштириш бўйича қабул қилган қарор-фармонларини амалга ошириш вазифаси билан тузилди.

Қолаверса, қарорнинг қандай аталишидан ҳам аён бўлиб турибди, компаниянинг ташкил этилиши мамлакатимизда фаол давом этаётган янги ижтимоий -иқтисодий муносабатларининг шаклланиши, мулкчилик шакллари ўзгартирилиши каби ижобий жараёнлар билан боғлиқдир.

Инглизча «холдинг» сўзининг маъноси «эга», «соҳиб» дир. Шунингдек, бу сўз «тасарруф қилувчи», «бошқарувчи», «ўз қўлида тутиб турувчи» каби маъноларни ҳам англатади. Холдинг компаниялар ўз маблағларига турли қорхона, ташкилотларнинг акцияларини сотиб оладилар ва шу орқали уларни бошқариб туриш, истикболини белгилаш, ривожлантириш ҳуқуқи ва масъулиятига эга бўладилар.

«Ўзмева-сабзавотузумсаноат - холдинг» компанияси ҳам Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунларига асосан ўз тизимига мева-сабзавот ва узумни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган 27 фирмани, яна 40 та қайта ишлаш, 89 та қишлоқ хўжалик ва 15 қўшма қорхона ҳамда «Болалар таомлари холдинг» компаниясининг 3 та қорхонасини уларнинг ўз ихтиёрлари билан бирлаштирган, яъни шу жамоаларнинг кўпчилиги чиқарган акцияларнинг катта бир қисми давлат томонидан холдинг ихтиёрига берилган.

Холдинг ўз тизимидаги қорхоналарда жаҳон андозалари талабларига мувофиқ келадиган, дунёнинг қай тарафида бўлмасин харидор назари тушса кўзи яшнаб, татиб кўрса жони яйрайдиган сифати аъло, суврати зебо маҳсулотлар ишлаб чиқаришдек мақсадларни ўз олдига қўйиб меҳнат қилмоқда, айнан: қорхоналарда мулкни монополиядан чиқариш, хусусийлаштириш давом этаётир, янги иқтисодий шароитларда тараққиёт омили бўладиган ташкилий тузилмалар жорий этилаётир. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш, қўшма қорхоналар тузиш орқали саноатимиз илғор замонавий жиҳозлар билан таъминланаётир. Бу жараённинг суръати ва шиддати шундайки, яна уч-тўрт йил ичида холдинг бошқараётган саноат ишлаган одам учун илҳом ва ҳузур бахш этади-



ган, шинам ва
га эга бўлган,

«манаман» деб кўкрак кериб турадиган кўзга яқин нозу неъматлар тай-ёрлайдиган пешкадам, етук сохага, иқтисодиётимизнинг етакчи шўъбаларидан бирига айлангусидир.

Холдинг таркибига кирган фирмаларнинг ташкил этилишини ҳам мустақиллик туфайли пайдо бўлган ажойиб янгиликлардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Маълум завод ва уни хомашё билан таъминловчи бир ёки бир неча хўжаликни мана шу тарзда бирлаштирувчи бундай фирмада «боғбон — корхона — харидор» деган уч босқичли тузилма, бир-бирини тўлдирувчи уч халқали мустаҳкам силсила вужудга келди. Бунинг афзаллик томони шундаки, боғбон қайта ишловчи корхонага юқори сифатли, уринмаган, айнимаган, ширадор, экологик тоза хомашё — мева-сабзавот топширишдан манфаатдордир. Чунки, бу охир натижада рақобатбардош, бозори чаккон маҳсулот ишлаб чиқариш, демакки юқори даромад олиш имконини беради. Корхонанинг юқори даромад олиши нафакат шу ерда ишлаб турган ишчи-хизматчилар учун, балки, деҳқон, боғбон учун ҳам ҳар жиҳатдан фойда. Нега деганда, аввало, корхона тоза навли хомашё учун яхши ҳақ тўлайди, иккинчидан эса, завод кишлок меҳнаткашларининг меҳнат шароити, турмуш даражаси, кишлоклардаги маданий-маърифий шохобчаларнинг аҳволидан ҳам хабардор бўлиб турибди. Зотан, занжирнинг марказида турган корхона жаҳонбоп кўрк ва сифатга эга маҳсулотларни тайёрлаш, уни тарғибот қилиш ҳақида қанчалик жон куйдирса, хом ашё етказиб берувчи ҳалқалаги аҳволнинг рисоладагидай бўлиши ҳақида ҳам бундан кам жон куйдирмайди.

Муайян фирма ташкил этилиб, ишлаб чиқариш йўналиши белгиланар экан, унинг мамлакатимизнинг қайси воҳасида, қисмида жойлашгани, шу жойларга хос боғдорчилик, деҳқончилик маданияти анъаналари, қайси боғ ва полиз маҳсулотларининг айниқса яхши битиши каби омиллар эътиборга олинди. Чунончи, «Андижон», «Хўжаобод мевалари», «Шаҳрисабз», «Наманган», «Тайлоқ шарбати», «Янги Тошкент», «Наврўз», «Мевазор» каби фирмаларга боғдорчилик маҳсулотларидан азалдан юқори ҳосил етиштириладиган «Чўлпон», Охунбобоев номли (Андижон тумани), Навоий номли, Рустамов номли (Шаҳрисабз тумани), «Косонсой», «Соҳибкор», Бобур номли (Наманган вилояти) каби машҳур хўжаликлар аъзо бўлиб кирдилар. Бухородаги «Шохруд» фирмаси таркибига эса «Галаосиё», «Дўстлик», «Жўра Орипов» номли, «Андижон» хўжаликлари биркитилган. «Дўстлик» ширкат хўжалиги ижара пудрати, қолганлари эса оила пудрати тамоилида ишлайдилар.



Н о м л а р и
этилган хўжалик-

корлари йилма-йил мўл ҳосил етиштириб келяптилар. Бу хўжаликларда айниқса таркиби фойдали моддаларга жуда бой помидор кўпу хўб битадди. Ҳосилдорлик ушбу хўжаликларда гектаридан 350-400 центнергача етиб боради. Уни қайта ишлаб, олий нав, экспортбоп томаты пастаси олиш мумкин. Айни шу хўжаликларнинг фирдавсмонанд боғларида экологик жихатдан тоза, ширали, мазали, жонга дармон, танга қувват моддаларнинг бебаҳо ҳазинаси бўлган сархил мевалар ҳам етилади.


Курук мева ва сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган фирмаларнинг таркибига асосан узумнинг кишмиш ва майиз навларини ҳамда данакли меваларни етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар бирлашдилар. Жумладан, Тўрақўрғондаги машҳур «Ширинлик» фирмасига қарашли «Нанай» хўжалиги боғларидан ўрикнинг «Субҳони», «Кўрсодиқ», «Юбилей», «Арзамий» каби навларини топасиз. «Булунғур мевалари» фирмаси таркибига кирган хўжалик токзорлари эса «Сугдиёна», «Зарафшон», «Ҳишрав» каби узумларга бойдир. «Каттақўрғон», «Ғазалкент», Усмон Юсулов номли фирмаларнинг қошида ишлайдиган боғбонлар эса узум, олма, шафтоли, нок, беҳи, олхўри, ошқовок, малина, смородина, анжир сингари шакар ва болаларнинг рисоладагидай ўсиб-ривожланиши учун жуда зарур бўлган бошқа хилма-хил витаминларга бой мева-сабзавотларни мўл-кўл ундириш билан шуҳрат қозонганлар.

Токзорларида «Баян-ширей», «Ркацители», «Шакар мускати», «Саперави», «Ўзбекистон мускати» ва бошқа шароббоп узумлар етиштирадиган хўжаликлар шаробсозлик корхоналари билан бирлашиб фирмалар тuzдилар.

Компаниянинг қишлоқ хўжалик корхоналари пахта ва бошқа экинлар ҳам экиб парвариш қиладилар. Жумладан, ихтисослашган хўжаликларда 2000 йилда 23 минг гектар майдонга буғдой экилади. Тизим миришкорлари бу билан мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришиш учун олиб борилаётган курашга муносиб хисса қўшмоқдалар.

Компания ривожланишдан тўхтаб қолгани йўқ, унинг таркибида янги тузилмалар пайдо бўлмоқда.

Вазирлар маҳкамасининг 1999 йилдаги «Вино ва ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ҳам ҳолнинг ходимлари ва раҳбариятининг изланишлари ва таклифлари натижасида дунёга келди. Бунга биноан республиканинг турли тарафларида тайёрланаётган шароб маҳсулотлари Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда очилган ихтисослашган базалар орқали сотиладиган бўлди. Яъни, энди хоразмлик уста тайёрлаган шаробдан Андижон ёки Фарғонада ҳам баҳраманд бўлиш мумкин, ёки аксинча. Муайян бир корхона



маҳсулотлари
кага тарқатила-
зорнинг кенгайишига, рақобат, интилиш, изланишга рағбат яратилди.

бутун республи-
ди. Бу билан бо-

Шунингдек, компания томонидан республикамизда етиштирилган ва қайта ишланган маҳсулотларни сотиш учун Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларда 16 та Савдо уйлари очилганини таъкидламоқни истар эдик. Шундай муассасани Полшада ҳам ташкил этиш учун ҳамма нарса шай. Бу борада Европа ва Американинг катор мамлакатлари билан ҳам музокаралар олиб борилмоқда.

Хозирча ўзбек боғбонлари етиштирган ҳамда саноатимиз томонидан қайта ишланган ноз-неъматлар, асосан, Россия ва ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларида чаккон сотилмоқда. Холдинг мутахассислари Германия, Чехия, Испания, Польша, Америка, Англия бозорларига чиқиш чора-тадбирларини изламоқдалар. Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон боғларида етилган ва ҳар бирини болу шарбат тўла жонон пиёла аталса арзийдиган меваларга, полизларимизда унган мўъжизаларга ҳамда булардан тайёрланган маҳсулотларга жахоннинг турли минтақаларида харидор бор. Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1997 йилда тасдиқланган инвестиция дастурини амалга ошира бориб, тизим хўжаликларидаги ишлаб чиқариш жараёнини замонавий технологиялар билан тўла таъминлаш, маҳсулотнинг сифатини янада юқори, ташки кўриниши кўркемроқ қилиш борасида фаол иш олиб борилмоқда.

Бу эса муродимиз, режамизда кўзланган манзилнинг яқинроқ бўлишига замин бўлади. Нега деганда боғ-полизлар армуғон этган анвойи ноз-неъматларнинг асли тенги йўқ, ўхшаши топилмасдир, боғбонларимизнинг бу борада минг йиллик тажрибалари бор. Йилига 200-250 кун офтоб чарақлаб турадиган бу осмон остида қуввати бағоят кучли ва таъми дунёда энг ширин экологик тоза мева ва сабзавотлар етилади

МЕВАЛИ САВАТ КЎТАРГАН ПАРИЛАР ЮРТИ

Парвардигори олам ўзбек заминини яратар экан суюкли бандалари боқий саодат топадиган манзил — жаннатнинг ўзидан тимсол олган бўлса ёки бу мамлакатни беҳшитнинг бир мунаввар жузви тариқасида муқаддас ва малиҳ қилиб ижод этган эса ажаб эмас. Тангри таолонинг карами, муруввати бекиёс, у ато этган ҳар нафас неъматдир, ҳар лукма муравват, шунинг учун ҳар лаҳза юз шукур бирла яшамоғимиз фарз. Бирок, барибир, ожиз ақлим Аллохнинг ватанимни азиз билиб, бу қадар олий химмат ила тақдирлангани боисини тушунмоққа уринади.

Балки, деган хулосаларга бораман, бу ишни Аллох табиатнинг сулуви, баркамол саҳифаларига назар солган бандаларимизнинг руҳи юксалсин, кўнгли тозарсин, обод бўлсин деган ниятда қилгандир. Балки ўзи яратган боғлар қўйнида етишган мевалар, экинзорларида унган ризку неъмат орқали Одам авлодига саховатлилик, мурувватлик бўлиш даркорлигини эслатиб турмоқчи бўлгандир. Мана шу инъомларга, саховат унсурларига муносиб бўл, унинг шукрини келтириб яша, бу улуг неъматларнинг ижодкори, соҳибига, у нозил этган низомларга содик бўл, сени онадек ўз бағрида тарбият этган заминни, тупрокни, боғларни сев, авайла, парвариш қил, боғ ёнига боғ қўшгин, дарахт сафига дарахт эк, деганидир бу.

Ҳақ таоло бошқа турли касбу қорлар қатори дехқону боғбонга ҳам ўзининг яратувчилик фазилатидан, сифатидан ато этган. Шунинг учун ҳам дехқонларнинг, соҳибқор боғбонларнинг улуг устоди — Аллохнинг ўзидир. Шунинг учун ҳам уларнинг номига саховатпеша, бағри кенг, танги, ҳалол, ризқ-рўз бунёдкори, жаннати каби сифатларни қўшиб айтамыз.

Носир Хисрав битмиш эдилар:

*Жаҳон шодлигининг боиси дехқон,
Унинг бирла экинзор, боғу бўстон,
Бу ишдан яхши оламда не бордур,
Одам наслига бу иш ёдгордур.*

Ўзбек дегани бир миллатки, умридан беш кун қолганини билса-ю, бир парча бўш турган жойга рўпара келса, шу ерга дарахт ўтқизишга, гул кўкартириб обод қилишга уринаверади.

Бу бир халқки, ерга қурук чўпни тикиб уни жонон дарахтга, кўрку тароватда нисбати йўқ гул ниҳолига айлантириб юборади.

Бу бир элдурким, унинг боғбонлик, дехқончилик бобидаги илми, тажрибаси, малақасини тарихнинг беш-олти минг йиллик масофаси нарғидан сўрайсиз.



Муаррихлар
яшаган аждодла-

лит даврида, яъниким, бундан беш минг йил аввалоқ деҳқончилик билан шуғулланганликларини айтадилар.

Агар жавҳари таркибига Энг Олий ижодкорнинг яратувчилик сифатидан кўпроқ қўшилган, бузиш, вайрон қилиш, ёндириш, зулм ўтказиш эмас, қуриш, боғ-роғлар тузиш, ризқу рўз ундириб ўзини ва аҳли оламини боқишга, меҳру саховат кўрсатишга иштиёқи баландроқ бўлган бу халққа урушлар, ёнгинлар, адолатсизликлар, турфа-турфа сиёсий тажрибалар билан халақит берилмаганда балки бу замин жаннатнинг тимсолига эмас, ўзига айланармиди, валлоҳи биллоҳ!

Асрлар бўйи Туронзаминнинг ёкимли оби-хавоси, унумдор сахий тупроғи, серсув дарёлари қанча-қанча горатгир истилочига ором бермай келди. Бу замин устидан отларнинг темир туёғи дуқури тингани йўқ, ёнгинларнинг шамшир тиллари чаманларни ялаб-янчиб қулга айлантираверди.

Лекин ҳеч бир қора қуч, ҳеч қандай мудҳиш ирода халқимизни яратиш иштиёқидан, ер очиб барақа уруғини сочиш, ниҳол ўтқазиб боғроғ бунёд этиш хоҳишидан қайтара олган эмас, бу айни ҳақиқатдир.

Мозийшунослар ватанимиз ҳудудидаги қай қадим манзилни ўрганмоқ истасалар у ердан жангу қирғин аслаҳалари эмас, кўпроқ ўроқ, кетмон, ёрғучоқ, ўғир, ҳовонча, суғориш тармоқлари — ариқлар, каналларни топаётганлари ҳам ҳақиқат.

Узум Ўрта Осиё заминига 6 минг йил илгари йил илгари етиштира бошланган дея маълумот берадилар тарихчиларимиз.

Манбалар хабар беришича, Амударё, Сирдарё, Зарафшон воҳаларидаги қадим сув иншоотлари ўзининг мураккаблиги ва пухталиги билан кейинги асрларда қурилганларидан устунроқ бўлган.

Йилдан йилга, асрдан асрга, авлоддан авлодга ўтган сари деҳқончилик, боғбонлик такомил топиб юксак маданиятга, илмга, фанга айлана борди. Янги-янги, олийжаноб мева навлари яратилди, уларни парвариш қилиш, ҳосилдорлигини ошириш, меваси таркибини мазалироқ, фойдалироқ қилиш, ҳосилни сақлаш, қайта ишлов бериш, улардан минг турли лаззатли ноз-неъматлар тайёрлаш тараққий этаверди. Хусайни, келинбармоқ, каттақўрғон, нимранг, сохиби, паркати, пушти тоифи каби узумлар, субҳони, ҳурмои, исфара, кок ўрик каби ўрик навлари, жонақи ва қизил олмалар, қизил нашвати, қосон ноки сингари мевалар ўзбек боғбонининг илмгоҳида яралган, оламга тарқатилган.

Бу қаламкаш ўзича гурурланиб, деҳқону боғбонни олим, уларнинг меҳнат майдонини илмгоҳ, кундалик ишини илму фанга қиёслаб ўтирибди, лоф қилаяпти дейсиз-да! Деҳқончилик, боғдорчилик билан боғлик турли жараёнларга Оврўпача техника ва технологиянинг қириб кел-



ганига боринг ана
Аммо, мевани,

юз йил бўлди.
сабзавотни, тоғу

даштда ўсган хилма-хил кўкатларни килни кирк ёргандек инжа тах-
лилдан ўтказган, уларнинг минг бир хил шифобахш фазилатини аниқ-
лаган ва бу хусусда оламини ўткизиб қўйиб сабоқ берган Ибн Сино
бобомизнинг минг йил аввал яшаганлари ёдингизда-ку... Бу улуғ зот-
нинг ўзлари ва шогирдлари, издошлари Шаҳобиддин ибн Абдулка-
рим, Юсуф ибн Муҳаммад Давоий, Сайид Ҳасратлар олиб борган тад-
қиқотларнинг натижалари хали-ҳануз аҳли дунёни хайратга солиб ке-
лаётир.

Гулзор ва унда очилган хушнамо-ю хушбўй гулларни кўриб, боғ-
дорчиликнинг етук фанга айлангани, хатто қайси гул турини қай боғ-
чага экиш зарурлиги ҳам муайян низомга келтирилганлиги ҳақида ҳаз-
рат Алишер Навоий даврида яшаган адиб Ниёзийнинг сатрлари келади
ёдингга: «Боғчага кўк бинафша, элчи савсан ва зебо гул ҳисобланган
садбар, иккинчисига заъфарон, нарғиз ва бирор оддий зебо гул, бошқа-
сига боғ лоласи, тоғ лоласи, дардари гуш, дардари кокилий, оддий сав-
сан, саҳройи ва оқ савсан, оддий шақойик яна бошқа боғчага ёсуман,
сарик аргун, сарик бинафша, лолайи ду табақа, шаббўй ва сарик лола,
насрин боғдодий, қазғо, яна бирига гули раъно, оралиқларига хашшош,
кейинги боғчага сарик ёсуман, гули шаш моҳа, нилуфар, карнайгул,
лиму савсани, савсани хитмий, яна бир боғчага хатми хитойи оқ ёсу-
ман, шаб ва дўстон, чамаи афруз, лолайи хитойи, бўстон афруз экила-
дики, бу гуллар бирин-кетин очиладилар...».

Ҳай-хай, минг офарин!

Херман Вамбери Темур салтанати тарихини ўрганар экан, қачондир
Клавихо таъриф этган боғлар, саройлар ҳақидаги саҳифаларни ўқий ту-
риб, булар кишига «Минг бир кеча» эртақларини эслатади, деган эди:

«Бу ҳовлиларнинг ташқарисиди... олма ва чинор дарахтлари билан
ихота қилинган ҳовузлар бор, уларнинг суви, шодравони — фаввораси-
да қизил ва сарик олмалар ўйнаб туради. Жануб томонда «Боғи беҳишт»
саройи бор. У гўзал меъморий услубдаги, қувончни оширадиган боғи
билан машҳурдир». Ҳазрат Соҳибқирон умри давомида ўз мамлақати,
ва айниқса, унинг пойтахти Самарқандни маъмурлик, ободлик маска-
нига, яхши гулистонга айлантириш ҳаракатида бўлди. Узатса қўллари
осмонга етадиган бинолар, қасрлар, саройлар қурди, боғлар барпо этди.
Унинг ўз саройларини «Боғи шамол», «Дилкушо», «Боғи нав», «Боғи
беҳишт» деб атагани ҳам уларнинг муҳташам боғлар бағрида улфайгани
исботидир.

Қадим муаррихларимиздан мерос қай бир асарни мутолаа қилмай-
лик, дашту чўлга сув чиқариш, боғ-роғлар барпо этиш анъанаси деярли
барча Турон ҳукмдорларига хос фазилат эканига гувоҳ бўламиз.



«Улуғбек
таи Кўханнинг

сори боғе солибтур, — деб ёзадилар Захириддин Мухаммад Бобур. —
Боғе майдонга мавсум».

Мирзо яна пуш-
доманида гарб

Мана Абдулғозихоннинг «Шажараи турк» асаридан иқтибос: «Таки улким, Аму дарёсининг икки тарафи то ўгургача боргунча, экинлик ва юзум боғи ва дарахистон эрди. Баланд ерларга чиғир қурашлар эди. Ободонлик ва маъмурликнинг ҳеч ниҳояти йўқ эрди... Урганч ободон ва халқ тинч бўлди. Бениҳоят арзонлик бўлди.»

Ёки мана Бухоро шаҳри атрофидаги қишлоқларнинг қандай аталишига эътибор беринг: Боғи баланди, Боғи саидон, Боғи туркон, Боғи нурафшон, Боғи афзал, Ҳазорбоғ, Ҳазортут...

Ана кўрдингизми, азизим! Маълумотларга қараганда 1913 йили ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жами 22 минг гектар боғ ва 31 минг гектар узумзор бор эди, етиштириладиган мева ва узум йилига 150-170 минг тонна атрофида бўлган.

Бизга маълумот тақдим этган мутахассислар республикада ХХ асрнинг иккинчи ярмида боғдорчилик ва узумчилик мисли кўрилмаган даражада тараққий этганини, боғ ва токзорлар майдони қарийб 5-6 баравар кўпайганини қайд этадилар. Ушбу ривожланиш шўро тузуми шарофати билан юз бердими ёки унинг барча кирдикорлари, сиёсий ва иқтисодий тажрибаларига қаратмай юз бердими — бунга аниқлик киритиш зарур.

Боғига, даласига ҳам билагининг кучи, юрагининг меҳри, шижоати, ҳам бобомерос тажрибаси, илмини сафарбар этиб, астойдил ишлов берган, мўл-кўл ҳосил етиштириб тўқ, бадавлат яшаган деҳқон, боғбонни «қулоқ» деб, душман деб эълон қилган, ерини тортиб олиб, ўзини ёки республиканинг олис бир четига, ёки Украина, Ставропол тарафларга сургунга сурган ҳам шу тузум эди.

«Ернинг ҳақиқий хўжайинлари катагон қилингани боис, — деб ёзди Худойкул Тўраев, — ундан фойдаланиш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Хўжаликларни жамоалаштириш ва ерларни йўқсилларга бўлиб бериш ҳам мустаҳкам асосга эга бўлган деҳқончиликни издан чиқариб юборди. Бу ҳолат очарчиликнинг янги даврини бошлаб берди».

Бу очарчилик, қаҳатчилик миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлган эди.

Ёки элигинчи йиллар аҳолининг ҳовлисида ўсган ҳар бир дарахт учун солиқ ўйлаб топган ҳам шу, шўро ҳукумати бўлган эди. Бу солиқ қутурган ит сингари боғу роғларни ғажиб ташлади. Нимагаки, бир ўрик ёки шафтоли дарахти учун тўланадиган солиқ ундан келадиган даромаддан бир неча баробар баланд эди. Шунинг учун одамлар ўз ҳовлилари, чорбоғларидаги дарахтларни беомон кесиб ташладилар. Ўзи кўз-



корачигидай ас-
ўстирган дарахт-

раб - а в а й л а б
га болта кўтариш

осонми? Буни қандай оғир, изтиробли иш эканини бир туп дарахт эккан, то у улгайиб, ҳосилга киргунча ўз фарзандидай «папалаб» парвариш қилган одам биледи. Ёки соҳибкорларимиз, боғдорчилик хўжаликларимиз зиммасига тонна-тонна сархил мевани, сабзавотни вагонларга ортиб Иттифокнинг олис-олис шаҳарларига етказиб беришдек мушкул маъсулият, мажбурият юкланган йилларни эсланг. Бунда хўжалик ўзи етиштирган нозу неъматларни йиғиш-териш, тоза-тозасини идишларга жойлаш, машиналарда темир йўлгача ташиб бориш, сўнг эса ўша олис манзилга етказиб бериш учун сарфланган барча харажатларни ёнидан тўлар эди. Аммо, эътибор беринг, ана шу харажатни маҳсулотнинг савдо нархига қўшиш мумкин эмасди. Натижада узум ёки қовуннинг нархи мамлакатнинг марказидаги дўконларда Ўзбекистонга қараганда арзонроқ бўлиб кетарди. Эрта баҳордан то кеч кузгача тер тўкиб, бел букиб етиштирган ҳосилининг тозасини ўз ёнидан йўл хақи тўлаб оғаларига етказиб берган ўзбек деҳқони, боғбонини охир-оқибат ўша оғалар ўтрига чиқардилар. Уйини тинтув қилиб бор-йўгини шилдилар, ўзини маҳкамаларга чакириб сарсонун саргардон қилдилар. Золимларга ҳам худонинг жазоси бордир...

Ичкиликбозликка қарши кураш ғоясининг ижодкори, раҳнамоси Михаил Горбачёв даврини олайлик. Ичкиликбозлик — гуноҳ, офат, қанча-қанча бахтсизликлар, мусибатлар, фожиалар шу гумроҳлик оқибатида юзага келади. Уни албатта кичик тарғибот, тушунтириш, профилактика, даволаш каби усуллар билан енгиш керак. Бирок совет даврида бу компания ҳам шўроларга хос — «инқилобий, зўравонлик» услубларида ўтди.

Неча йиллик машаққат, сарф-харажат билан яратилган гектар-гектар узумзорлар бу жоҳиллик туфайли йўқ қилиб юборилди. Ўша йиллари токка ишлов бериш керак, дори солиш, хомтоқ қилиш керак дейишга журъат этган одам худди бутун халқни май гирдобада чўктириб фарқ қилаётган душмандай қораланди.

2001 йилда республикамызда 2750 минг тонна сабзавот, 550 минг тонна полиз, 580 минг тонна мева, 625 минг тонна узум маҳсулотлари етиштириш режалаштирилган. Мамлакат аҳолиси ва қайта ишлаш корхоналарининг эҳтиёжлари учун ушбу хирмоннинг ярми кифоядир. Шунинг учун соҳибкорларимиз етиштирган ҳосил ҳозирда ҳам собиқ иттифокнинг кўпгина республикалари бозорига олиб бориб сотилмоқда ёки қуришиб, қайта ишлаб экспорт қилинмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фақат боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган — Отажонов номли, Қибрай, Муҳаммаджон Фозилов номли (Тошкент вилояти), Саидназаров номли, Қозимов номли (Самарқанд вилояти), Сарийосиё, Бобур номли, Улуғбек номли (Сурхон-



дарё вилояти),
(Наманган)

(Андижон), «Китоб», «Яккабоғ» (Кашкадарё), Мунис Хоразмий номли (Хоразм вилояти) каби хўжаликлар фаолият кўрсатиб турибди.

Боғдорчилик, узумчиликни ривожлантириш борасида халкимизнинг минг йиллик бой тажрибаси анъаналарини замонавий фан ютуқлари билан муштаракликда олиб бориб, ажойиб натижаларга эришган халқ селекционерлари, олимлар, амалиётчи боғбонларнинг номи соҳа соломасига зарҳал ила чекилган.

Бу ўринда машхур ўзбек олими, академик, меҳнат қаҳрамони Маҳмуд Мирзаевнинг бекиёс хизматларини алоҳида қайд этмоқ зарур. У узумнинг бир қанча янги навларини яратган, мамлакатимиз боғбонлари, олимларини бу йўлдаги изланишларини бошқарган улкан илмий-текшириш корпорациясининг раҳбари эди.

Атоқли соҳибкор Ризамат ота Мусамухамедовнинг номи нафакат соҳа мутахассислари, балки бутун ўзбек халқи учун эъзозли, ардоқлидир. Ўз боғларида янги-янги мева навларини яратган, уларни парвариш этишининг ажойиб, самарали усулларини кашф этган бу табаррук, фариштали инсон, халқ академигини ўзбек боғбонларининг пири деб аташ мумкин.

Отанинг умри ўз заминини севишнинг, ардоқлашнинг, касб-корини юксак такомилга — санъат даражасига чиқара олишнинг олий тимсоли бўлди.

«Боғдорчилик ўзбеклар учун қадим-қадимдан сеvimли касб... Биз кўз очиб узум, олма ва бошқа меваларни кўрамиз. Оналаримиз беланчагимизни ишқомларга, мева дарахтларига осиб аллалаганлар. Болалар йиғлаганда сўргич ўрнида узумнинг донасини сўрдирганлар» — деган эдилар бу донишманд боғбон.

Бугунги кунда тизим хўжаликларида Маҳмуд Мирзаевнинг, Ризамат отанинг, машхур лимончи Зайниддин Фахриддинов, М.Отажонов, самарқандлик боғбон Саидназаров, андижонлик боғ устаси М.Мадёров ва бошқаларнинг муносиб издошлари, шогирдлари, меҳрининг кимёси, маҳоратининг қудрати билан ҳар қарич тупрокни олтинга, ҳар туп дарахтни мева тўла сават кўтарган нарига юборишга қодир Омонулла Исматуллаев (Тўрақўрғон тумани, Сохилобод хўжалиги) Зариф Бурхонов (Китоб тумани, «Китоб» хўжалиги), Тожибой Ризаев (Паркент тумани, «Заркент» хўжалиги) Иномиддин Мухиддинов (Зангиота тумани «Зангиота» хўжалиги), Шоназар Юсупов (Урганч тумани, Мунис Хоразмий номли хўжалик) Шарифжон Раимқулов, Анатолий Попрядухин (Самарқанд вилояти, Козимов номли хўжалик) каби миришкорлар удлабурон, ишбилган, халқнинг дилидагини топиб, эҳтиёжини тўла қондириб, ўз ортидан эргаштириб келаётган



истеъдодли
нат килмокдалар.

раҳбарлар меҳ-
Ана шу ва бош-

қа юзлаб соҳибкорларимиз, боғбонларимизнинг меҳнатлари, изланишлари туфайлидир ўзбек ери ноз-неъматларининг оламаролиги, жаҳонтанҳолиги. Зотан, Дашнобод ва Куванинг анорлари, Наманганнинг олмаси, Косон ва Олтиарик бодоми, Самарқанд узуми, Фарғонанинг ўрик ва олмалари, Хўжаободнинг ноки, Бўстонликнинг ёнғоғи мухайё бўлган дастурхонни жаннатнинг мўъжаз қисмига айланибди деганлар янглишмайдилар.

Ўзбекистон мустақиллигидан аввал мева-сабзавотчилик ва узумчилик жамоа, давлат хўжаликлари қарамоғида эди. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, давлат хўжаликлари кооператив хўжаликларига айлантирилди, 1998 йилдан бошлаб ихтисослашган ширкат хўжаликлари тuzилди.

Юртбошимиз Ислom Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар мамлакатимиз халқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигида ҳам ўз самарасини бераётир. Ислохотларнинг ўзига хос, ўзбек модели соҳада бозор муносабатларини шакллантириш ва иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг сиёсий ва иқтисодий асоси бўлиб хизмат қилаётир.

Ҳозирги босқичда қишлоқда мулкка эгаллик масаласини ҳал этиш, деҳқон ва боғбонларда ҳақиқий мулкдорлик ҳиссини шакллантириш, улар меҳнати натижаларини хўжалик фаолиятининг пировард натижалари билан бевосита боғлайдиган иқтисодий механизм жорий этиш, ислохотларнинг равон боришига ҳалақит бераётган бюрократик тўсиқларни чақиртиканакдай юлиб ташламок каби вазифалар айникса долзарбдир.

Буларни муваффақиятли бажариш учун иқтисодиётни эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг баробар камол топиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мулккий муносабатларни такомиллаштириш даркор. Бу борада фермер, деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, ишлаб турган жамоа хўжаликларини мулккий пайга асосланган ширкат хўжаликларига айлантириш ижобий натижалар бермокда. Холдинг компанияси таркибига кирган қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги иқтисодий ислохотлар компания раҳбарияти ва мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган аниқ режа асосида амалга оширилаяпти.

Бугунги кунда тизимдаги мавжуд 89 хўжалиқдан 76 тасида мулк шакли ўзгарган, яъни булар ширкат хўжалигига айлантирилган.

Бу хўжалиқлардаги мулкка даъвогар 40511 кишидан 36344 киши ўз мулки ва ўз пайларини олишга муваффақ бўлдилар. Албатта қишлоқдаги ҳамма аҳолини хўжалик аъзоси қилишнинг иложи йўқ, бироқ қолган-



лар ҳам унутил-
учун қўшимча

ташқил этилди, жойлардаги меҳнат биржалари ёрдамида иш билан таъминланди.

гани йўқ, улар
иш ўринлари

Тошкент вилоятидаги узумчилик-виночиликка ихтисослашган «Зангиота» ширкат хўжалигининг раҳбари — ҳам хушхулку хушатовор, қўл остидаги халққа меҳрибон, ҳамиша уларни ғам-ташвиши билан яшайдиган олийжаноб инсон, ҳам замонавий раҳбар учун зарур билим, ҳар битта масалани туб моҳияти ва истиқболи билан кўра олиш салоҳиятига эга ғайратли, шижоатли сардор Имомиддин Муҳиддинов бошчилигида олиб борилаётган ишлар айниқса ибратли.

— Ҳозир хўжалигимизда 1 сотих эгасиз ер йўқ, — дейди Имомиддин ака. — Ҳаммасини кафдек ҳам қолдирмай халққа бўлиб берганмиз. Илгари биз бригадирлар билан ҳисоб-китоб қилардик. Ҳозир 270 пайчимиз бўлса, ҳар бири ширкат хўжалиги раҳбарияти ва ҳисобчилари билан бево-сита гаплашади. Ҳисоб-китоб қилади. Ҳар бири учун алоҳида ҳисоб ва-рағи очиб қўйилган — йил бўйи нима олди, нима харажат қилди, эрин-май ёзиб борилади. Бу биз учун қийин, ортикча меҳнат, бироқ халқ учун қулай бўлаяпти, халқ маъқуллаяпти.

Ширкат хўжалиги раҳбари декабр—январ ойлари орасида ҳар битта пудратчи билан кам деганда уч марта учрашади — бу жуда масъулиятли давр, чунки ана шу муҳлат мобайнида хўжалик ва пудратчи орасидаги икки томонлама шартномани барча шартлари келишиб олинади, бу ху-сусда музокаралар ўтказилади. Қонун бузилмасин, шу орада кўнгил қолишлар бўлмасин деган ниятда 1998 йилдан бошлаб шартнома тузиш жараёнида аудит фирмасининг вакили — юрист ҳам иштирок этаётир.

— 1999 йилда оби ҳаво ноқулай келди, ҳосил биз истаганимиздек битмади, айрим пудратчиларимиз қарздор бўлиб қолишди, улардан 893 минг сўм маблағ ундириб олинди. Бу йил эса пудратчиларимиз шарт-номани 61 млн 224 минг сўмга ошириб бажаришди. Пудратчи билан ширкат хўжалиги бошқаруви ўртасидаги шартнома 5 йил муддатга ту-зилади. Унда ҳамма нарса: маълум кишига биркитилган ер майдони-нинг хусусиятлари, нечта дарахт, ток қўчати, шпалер, қанча сим борли-ги, картанинг кимнинг ери билан қўшни эканлиги ва бошқа иқир-чикир тафсилотлар ўз ифодасини топади.

Пудратчиларга йил давомида аванс бериб борилади, ернинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лимит ажратилади, яъни уруғ, дори, ўғит, техниканинг қанча ишлан меъёрлари белгиланади. Пудрат-чи иқтисод қилса, тежаса, тежасани ёнига қолади, ортикча сарф қилса, исрофгарчиликка йўл қўйса — аксинча.

Имомиддин ака ўз ерига эга бўлган дехқон ёки боғбоннинг руҳияти-да, табиати, иш гутишдаги ижобий ўзгаришлар ҳақида ажойиб мисоллар



сўзлади. Унинг
шу нарса маълум

хикояларидан
бўлдики, энди

соҳибкорлар ерга ҳақиқий эгалик, мулкдорлик ҳисси, ернинг, ундаги хар бир туп дарахт, ток, бу майдонга сув келтирадиган арикнинг ҳолати, бу йил қандай ҳосил бериши-ю, эртанги куни, келажаги қандай бўлишини бундан буён ўзларига боғлиқ эканлигини ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Ер билан деҳқон ўртасидаги муносабатларда меҳр-муҳаббат туйғулари тиклангани қувончлидир.

Хўжалик раҳбарияти деҳқонларга янада қулай бўлсин деган ниятда қишлоқнинг ўзида ўз банкларини ишга тушириш тараддудини кўрмоқда эканлар.

«Зангиота» ширкатлар хўжалиги ҳақидаги хикояни мисоли бир ойна билинг-у, унга қараб бутун Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида юз бераётган ўзгаришларни кўриб, билиб олинг.

Хар қандай раҳбар давлат ва халқ орасидаги боғловчи — хар икки томоннинг ҳам вакилидир. У давлат ташкилотлари олдида ўз жамоаси аъзолари ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилади, уларнинг яхши меҳнат қилиб яхши яшашлари учун жон куйдиради. Айни чоғда у замон янгиликлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, бу борада ҳукумат томонидан чиқарилган қонун ва қарорларни ҳаётга, амалга тадбиқ этиш учун жамоа аъзоларини сафарбар қила билиши даркор.

Тўрақўрғондаги «Соҳилобод» ширкатлар хўжалигида олиб борилаётган ишлар билан танишиб, ходимлар, боғбонлар, деҳқонлар билан суҳбатлашар эканмиз жамоа сардори Омонулла Исматуллаевнинг худди ана шундай халқ севар ва халқ севган, ватанпарвар ва ватансуйган яхши инсон ва яхши раҳбар эканлигига амин бўлдик.

Мазкур хўжалик аъзолари ҳозирги замонга хос барча муаммолар, чигал, мушкул қийинчиликлардан қатъий назар мамлакатимизни нурафшон истикболларга олиб борадиган ислохотлар сабот ва инюнч билан амалга оширмоқдалар.

Бу ерда 2000 йили ширкат хўжалиги тузилгач, асосий ишлаб чиқариш воситалари, ер ва хўжаликнинг бошқа мулклари ҳисоблаб чиқилди, баҳоланди ва пай шаклида 1205 ширкат аъзосига ҳамда 234 нафақахўрга бўлиб берилди. Бунда ижтимоий адолат мезонларига риоя қилинди, яъни ширкат аъзоларининг хўжалик олдидаги хизматлари алоҳида назарда тутилди.

Хўжалик йилни муваффақиятли яқунласа, соф фойданинг 60 фоизи дивиденд сифатида пай эгаларига тарқатилади. 2000 йил яқунлари бўйича 37 миллион дивиденд ҳисобланди.

Юқорида қайд этганимиз — халқ сари, унинг истикболи сари юриш, унинг манфаатини, турмуш даражасини кўтаришни ислохотларнинг



етакчи гоёси деб
тамоийилларга
тўла амал қилинаётир,

билиш каби
ушбу хўжаликда

муваффақиятларнинг гарови ҳам ана шунда.
2000 йилда хўжалик фаолияти «оила пудрати» тамоийиллари асосида юритилди. Демакки, хўжаликдан ер олган оила ҳосилнинг шартномада кўрсатилгандан ошиқ қисмини олиш имконига эга бўлди. 1999 йили яқунлари бўйича ана шундай илғор пудратчиларга 42 тонна бугдой бепул берилди. 2000 йил яқунига кўра эса 370 пудратчи шартномадан юқори ҳосил олдилар.

Оила пудратига ўтиш учун қишлоқда қарийб бир йил давомида тайёргарлик ишлари олиб борилди, мутахассислар иштирокида бу усулнинг афзалликлари атрофлича, батафсил тушунтирилди. Бригадирлар, пудратчилар, идора ходимлари ўқитилди.

Бирок, бу усул ҳам кейинги босқичга учун тайёргарлик эди ва 1999 йилдан юқоридаги каби асосли, кенг кўламда тайёргарлик энди ижара пудрати усулига ўтиш учун бошлаб юборилди. Фақат, 2001 йилдангина, Омонулла аканинг назарида, унинг ҳамқишлоқлари янги тамоийиллар бўйича аниқлашга тайёр бўлдилар. Шунинг учун ҳам «Соҳилобод»ликлар бу йилдан ижара пудратида ишлай бошлади. Хўжалик ўз тасарруфидаги ер, токзор, боғларни ширкат аъзоларига бўлиб берди. Шартномага кўра у ижарачиларга йил давомида агротехника хизматидан, бошқа барча зарур нарсалардан ёрдам бериб туради. Аванс беради.

Йил охирида, хирмон кўтарилганда эса ижарачидан у етиштирган маҳсулотни сотиб олади. Бунда боғбон ёки дехкон ҳосилни етиштириш учун йил бўйи сарфлаган (ернинг ёки токзорнинг ижара ҳақи ҳам албатта шунинг ичида) харажатидан ортган маблағга ўзи эга бўлади.

Хўжаликнинг Муслимхон Қўчқоров, Қўчқорали Аскарлов, Мавлудахон Қосимова, Раъно Эрназарова, Оминахон Аюпова каби пешкадам аъзолари ислохотларнинг бешигини тебратаётган, инқилобий ўзгаришлар жараёнининг қайноқ нукталарида туриб меҳнат қилаётган кишилардир.

Хўжалик меҳнатқашларининг омилкорлик билан астойдил қилган меҳнатлари самараси ўларок, қишлоқ жамоли ҳам тобора кўркамлашиб, янги-янги шинам иморатлар қад кўтармоқда.

Тошкент вилояти Паркент Туманидаги «Заркент» қишлоғи халқининг етакчиси Тоғживой ота Ризаев борасида сўзлаганда энг аввал унинг боққа, боғдорчилик қасбига улкан муҳаббати ҳақида гапириш керак. Бу муҳаббатни Парвардигор унинг кўнглига болалиқ чоғидаёқ солган. Заркентликлар бу фидойи инсон бошчилигида 600 гектардан ортик ерни узумзорга айлантирдилар. Шунинг таъкидламоқ даркорки бу токзорлар асосан лалми ерларда ўстирилган, яъни бу ердаги токзорлар фақат ёмғир суви билан суғурилади. Аммо бу, хўжалик соҳибкорларига юқори ҳосил олишлари,

МАХСУЛОТ

олий нав бўлишга
халакит бераётгани йўқ.



сифатини ҳам
эришишларига

Хўжаликда ўтказилган республика семинари катнашчиларидан бири — жамоа хўжалигининг раиси — заркентлик миришкорларнинг маҳорат ва матонатига қойил қолиб шундай деган экан:

— Бу ерда ҳар битта кўчат, ҳар бир новда билан алоҳида гаплашадиган, тиллашадиган мохирлар яшаб, меҳнат қилишлари кўриниб турибди.

Ислохотларнинг муваффақият билан бораётгани, хўжаликлардаги ички иқтисодий механизмнинг такомиллашуви қандай натижалар бераётгани ҳақида қуйидаги рақамлар бурро забон билан сўзлаб берадилар:

1999 йилни «Урганч шароби» фирмасига қарашли Мунис Хоразмий номли ширкат хўжалиги 49,9 млн. сўм; Булунғур шароби «Чўянтепа» хўжалиги 14,6 млн сўм, «Кишмиш» ширкат хўжалиги 29,6 млн сўм, Н.Рустамова номли хўжалик 37,9 млн сўм; «Шаҳрисабз» фирмасининг Навоий номли ширкат хўжалиги 33,9 млн сўм; Ховренко номли фирманинг Козимов номли хўжалиги 11,2 млн сўм; «Ширинлик» фирмаси «Нанай» ширкат хўжалиги 27,0 млн сўм фойда билан яқунладилар.

Ана шу ва бошқа кўпгина хўжаликларда йил якуни бўйича пайчиларнинг мулкий пай улушларига муносиб равишда дивидендлар тўланди. Унинг миқдори «Кишмиш» ширкат хўжалигида бир пайчига ўртача 5307 сўм, Бўрота ширкат хўжалигида эса 13961 сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон боғларига баҳор келди...

Дастурхонимиз тўкин-сочин, тўйларимиз обод, бозорларимизда арзончилик бўлсин деган покиза ниятларни кўнгилга тугиб, белни чуст боғлаб меҳнат қилаётган боғбонларимизнинг қиладиган ишлари кўпдан-кўп, режалари улугдан-улуг.

Компания тизимидаги хўжаликларнинг боғ-токзорлар тўла рўйхатдан ўтказилган, яъни қайда қандай иш қилиш даркорлиги бугун қафт-дек аён.

Мавжуд боғ-токзорларнинг хатосини тўлдириш, ёшини яшаган дарахтлар ўрнига янгисини ўтқизиш, ҳосилдорликни кўтариш учун энг замонавий агротехник тадбирларни жорий қилиш каби вазифалар режа рўйхатининг бош сатрида турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартда қабул қилинган ва айнан «Ўзмевасабзавотузумсаноат — Холдинг» компанияси фаолияти ривожига бағишланган қарорини амалга ошириш учун тизимдаги хўжаликларда яқин беш йил мобайнида янги 10 минг гектар токзор, 5 минг гектар боғ барпо этиш режалаштирилган эди. 2000 йилда 700 гектар токзор, 570 гектар боғқа асос солиб бўлинди.

Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштиришнинг истиқболли режаларини ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, унда тизим хўжаликларида полиз



майдонларини
етказиш, йилига

10 минг гектарга
250-300 минг

тонна сабзавот, 80-100 минг тонна мева, 200-250 минг тонна узум етказиб, уларни қайта ишлаш, саноат корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш каби яхши ниятлар ўз аксини топган.

Боз айтамикки, мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг олам бирданнига чаманзор бўлиб, турмуш сеҳргарнинг амри билан дориломон бўлиб кетди дея лоф-коф урмоқ фикридан йироқмик. Биз маҳкумликдан озод бўлдик. Энди эса жуда мураккаб, шарафли, гурурбахш мақсадларни амалга ошириш учун меҳнат қилмоқдамиз — ўз уйимиз, ватанимиз, хўжалигимиз, иқтисод ва маънавиятимизни ёлғизоёқ сўқмоқлардан қайтариб, рост йўлларга солиш, янги иқтисодий шароитларга мос йўсин ила қуриш ҳаракатида яшайпмик.

Бу йўлда ҳар куни, ҳар соат чигал муаммолар, синовлар юзага келиши муқаррар. Биз бунга яхши билар эдик ва кийинчиликлардан чўчимай ишга киришдик. Ўтган ўн йил мамлакат раҳбарияти ва халқимиз танлаган йўлнинг тўғри эканлигини исботлади.

Ушбу рисолада фаолияти ёритилаётган тизим хизматчиларининг етакчи белгиси хусусида ҳам шунга айтиш мумкин.

Соҳада муаммолар оз эмас, бироқ тизим ходимлари уларни ҳал этиш устида ҳамжихатлик, уюшқоқлик, уқув ва маҳорат билан иш олиб бормоқдалар. хусусан, республикада уруғчиликни такомиллаштириш, уруғ навларини минтақалаштириш борасида олиб борилаётган ҳаракатлар. «Ўзсабзавотнав уруғлари» бирлашмаси ҳамда «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти» билан ҳамкорликда ўтказилаётган изланишлар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Тизимдаги бешта қишлоқ хўжалик корхонасида узумнинг ноёб, серхосил навлари кўчатларини етказишни ривожлантириш ва шу йўсинда эҳтиёждаги кўчатларнинг ярмини тайёрлаш учун ҳам ҳаракат бошланиб юборилган.

«Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси тизимидаги кўчатчилик хўжаликларида эса 2005 йилга бориб ҳар йили 2,0 миллион туп узум кўчатлари тайёрлашга эришиши кўзда тутилмоқда.

Юқорида қайд этилган ҳамда боғбонларнинг меҳнатини енгил қиладиган қулай, шинам тракторлар, машиналар тайёрлаш бўйича «Ўзга-ромашсервис», «»зқишлоқмаш-холдинг» каби ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган изланишлар, саъй-ҳаракатлар, муаммолар тез ва муваффақиятли ҳал этилади деган умид бағишлайди.

КЎРКАМ, РАНГО-РАНГ, ШИРИН

Мамлакатимиз консерва саноати ходимлари билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг бугунги шиори, олий мақсади мана шу уч сўзда жамулжам эканига амин бўлдик, булардан қайси бири айниқса муҳим деган саволимизга эса суҳбатдошларимиз бу сифатларининг ҳаммаси биринчи ўринда туради. Яъни шу шартлар орасида мусобақа ўтказилса, учта биринчи ўрин бериларди дея жавоб қилинди.

«Дастлабки консерва заводлари Ўзбекистонда XX асрнинг бошларида, аниқроғи 20-йиллардан пайдо бўла бошлаган», — дея маълумот бердилар соҳа мутасаддилари. Масалан, Янгийўл шахридаги бугунги кунда Усмон Юсупов акциядорлик фирмаси деб аталадиган завод 1929 йилдан қурила бошлаган.

Фарғона консерва заводи 1931 йилдан. Наманган консерва заводи эса 1933 йилдан дастлабки маҳсулотларни савдога чиқарган эди.

Бир қатор корхоналар эса немис-фашистларга қарши уруш йиллари барпо этилган. Бу йиллар собиқ иттифокнинг марказий шаҳарларидаги кўпгина корхоналар қатори консерва заводлари бомбанинг остидан, оловнинг оғзидан тортиб олиб келиниб, Ўзбекистоннинг шаҳарларига ўрнатилган эди. Айтайлик, Гродно шахридаги консерва заводи ўзининг барча асбоб-ускуналари, стакчи мутахассислари билан поездга юклангач, бу саноат учун ҳар жиҳатдан қулай (ёнғокзорлар, сархил мевалар қони бўлган боғ-роғлар, сабзавот етиштириш учун жуда мос унумдор тупрок, Чирчиқ ГЭСининг яқинлиги, шарақлаб оқаётган оби ҳаётнинг муссаффолиги) Бўстонлик тумани маркази Ғазалкент шахрига олиб келиб, зудлик билан ўрнатилган-у ишга тушириб юборилган. Зудлик билан, негаки, фронтга, ёвуз душман билан жон олиб-жон бериб жанг қилаётган аскарларга ҳамма нарса керак, жумладан, мева, сабзавот, улардан тайёрланган консервалар ҳам. Республикада мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ривожлангани сайин, уларнинг истеъмолдан ташқари қисмини қуритиш, қайта ишлаш саноати ҳам кенгайиб, кучга тўлиб борди. Турли техникалар, ускуналар, ишлаб чиқариш воситалари ўрнатилди, малакали мутахассислар пайдо бўлдилар, бошқарув органлари тузилди. Бугунги кунда Ўзбекистон мева-сабзавотни қайта ишлаш саноати 14 ихтисослаштирилган фирмалардан иборатдир. Уларнинг таркибида 12 та консерва, 2 та қуритиш корхонаси, яна 3 та қўшма корхона ишлаб турибди — буларда ҳам консервалар тайёрланади. Мазкур фирмаларнинг таркибига кирган 52 жамоа хўжалиги саноатимизнинг хомашё базаси ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, иқтисодимизнинг барча соҳалари сингари «Мевасабзавот узумсаноати» тармоғи корхоналари ҳам хорижлик ҳамкорлари муштариёлар билан бевосита, юзма-юз мулоқотга



чикиш имконига

Компания

чет эл инвестицияларини мумкин қадар кўпроқ жалб этиш бўйича муваффақиятли иш олиб бормоқдалар, изланиш туну кун тинмаётир: қўшма корхоналар очилмоқда, ички ва ташқи бозорнинг пасту баланди, қийлу қолини батафсил ўрганилмоқда, тадқиқот қилинмоқда.

Мамлакатимиз фирмалари маҳсулотларининг («марка»лари дейилади) халқаро нуфузи, обрўсини таъминлаш, экспортбоп маҳсулотларининг миқдори ва сифатини кўтаришнинг энг зарур чора-тадбирлари тадбиқ қилинаётир.

Барча уринишларнинг пировард мақсади биттадир: ҳамма кўрсаткичлари билан сифати аъло, таъми тилни ёрадиган, кўриниши мареуб, жаҳон бозори талабларига жавоб бера оладиган кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш.

Бунинг учун барча имконият бор, чунки қайд этганимиздай фазлу қарамли улуғ Ҳақ таолонинг ўзи бу заминни айни деҳқончилик, боғдорчилик учун яратгандай; меваларимиз, қовун-тарвузларимизнинг таъмига тараф йўқ, деҳқонларимиз, боғбонларимизнинг меҳнатсеварлиги, маҳорати, ижтиҳодига таъриф.

Агар бунинг устига жаҳондаги ҳамкасблар билан алоқалар мунтазам асос устига қурилса, замонавий техниканинг, фаннинг ютуқларини жорий этиш, тажриба алмашиш, маҳсулот алмашиш исталгани қадар йўлга қўйилса, бизнинг саноатимиз ҳам жаҳонда албатта ўз муносиб ўрнини топа олади. Бу ўрин бор, у бизники, бизни кутиб турибди, маҳсулот олиб бориш керак-да, эгаллаш керак.

1997 йилда компаниянинг мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарига (шаробсозлик саноати ҳам бирга ҳисобланмоқда) 19,3 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция олиб қирилган бўлса, 1998 йилда бу кўрсаткич 32,0 млн, 1999 йилда эса 60 млн. долларни ташкил этди.

Бугунги кунда ҳолдинг тармоғи, тизимида қуйидаги қўшма корхоналар гуриллаб ишлаб турибди: «Мевалар қамалағи». Шаҳрисабз консерва заводи ва «Ўзанглоинвест» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган. Йилига 10 млн. дона «Тетро-пак» қутисиде мева шарбатлари тайёрланади.

«Андижон дурдонаси». «Ўзанглоинвест» жамғармаси билан бирга-лиқда Андижон консерва заводи заминиде очилган. Ушбу корхона йилига 10 млн. дона «ПКЛ» қутиларга мева-сабзавот шарбатлари ишлаб чиқаради.

«МАСК». «Синтез-К» Россия-Британия қўшма корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган. Томат пастаси, кетчуп, маъданли сув каби тансиқ маҳсулотлар етказиб беради.

«Булунгур». Чехословакиялик ҳамкасблар билан ҳамкорликда иш-ляпти. Шароб ва қуриқ мевалари билан машхур.

эга бўлдилар.

мутахассислари



«Балтимор-
нинг «Балтимор»

Челек» Россия-
фирмаси билан

бирга очилган. Бу ерда ҳам томат пастаси, кетчуп, консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Улардан ташқари Шахрисабз, Ғазалкент, Наманган консерва заводларида Италиянинг «Сасиб Фуд» фирмасидан келтирилган, томат пастасини 200 килолик асептик копларга кадоклайдиган ускуналар ўрнатилиб ишга туширилган. Наманган консерва заводида бўлганимизда бизга бу ускуналарнинг ишини кўрсатишди. Ишчилар махсус асептик копларга беҳи пастаси қуймоқда эканлар. Коплар тўлдирилгач, уларни бурама копкак билан маҳкам беркитилади ва махсус бочкаларга жойлаштирилади. Бу хил идишлардаги маҳсулот то икки йилгача айнимай, сифатини йўқотмай сақланиши мумкин экан.

Авваллари пишиқчилик авж паллага кирган пайтлар бу заводнинг яқинига йўллаб бўлмасди, ҳамма ёк уюм-уюм мева-чева, помидор. Талабалар, турли ташкилотлардан жалб этилган хашарчилар ҳосилнинг тозасини айниганидан ажратаётган, юк машиналари турна қатор.

Энди қани ўша помидор?

Мана шу кичик цехнинг ўзи соатига 5 тонна маҳсулотни кадоклаб ташлайди. Етказиб бериб турсангиз бўлди.

Ўзбекистон мева-сабзавотни қайта ишлаш саноати ҳозир бир йилда 150 минг тонна консерва (980 млн шартли банка), 25 минг тонна қуритилган мева-сабзавот тайёрлаш қувватига эга. 1998 йилда соҳа корхоналари томонидан 12 миллион АҚШ доллари миқдорда ҳўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди.

Тармоқ ходимларининг режалари улуг. Бу режаларни амалга ошириш учун қандай ишлар қилиниши кераклигини ҳам аниқ билинади ва бу йўлда тинимсиз изланиб, меҳнат қилинмоқда. Полиэтаримиз, боғу роғларимизга яхши ишлов бериш, ерни, экинни, дарахтни тўйдириш, парвариш қилиш, мазали, тўйимли, фойдали, экологик тоза мева-сабзавот етиштириш, уни тўкмай-сочмай, уринтирмай териб олиш, бозордан ортганини қайта ишлаш, ишлаганда ҳам жаҳоннинг қайси минтақасида бўлмасин кўрган кишининг кўзига «ярак» этиб уриладиган қила билиш учун бугунги кунда мукамал, қулай техника, технология керак, халқаро андозалар даражасидаги кадоклаш машиналари идишлар, бошқа ашёлар керак. Нега деганда, бунча катта миқдорда хомашёни тез, сифатли, таъми бузилмай туриб саранжом қилиш учун жуда чаккон ва удабурро техника бўлмаса иложи йўқ. Шунинг учун ҳам, соҳа мутахассисларидан бугунги кунда энг ширин тушингиз нима ҳақда бўлади десангиз, «Тетра Пак», «Наима», «КХЗ», «Сасиб Фуд», «Вир Маури», «Сиг комбиблон» каби оламари фирмаларнинг технологияси бизнинг корхонада ҳам ўрнатилган эмиш-у қарсиллаб ишлаб турган эмиш деб жавоб беришлари муқаррар.



Т и з и м
ишини ўрганар

техникаларни ўрнатиш ишлаб чиқаришни нечоғлик мукамаллаштиргани, қулай, унумдор қилиб юборганининг қайта-қайта гувоҳи бўлдик. Мана, Янгийўл шаҳридаги Усмон Юсупов номли акционерлик фирмасини олайлик. Бу фирма 1997 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан ташкил этилган. «Болалар таомлари холдинг» компанияси таркибида фаолият кўрсатади. Кези келганда, мана шу компания ҳақида ҳам маълумот бериб ўтайлик. Аъмоли хайру саховат, эзгуликдан иборат бу янги ташкилот ҳам Ўзбекистонда кўп болали оилалар ва мактаб ёшигача бўлган болаларга кўрсатилаётган меҳрибонлик, болаларимизнинг соғлом, бақувват, илиги бутун йигит-қизлар бўлиб ўсишлари ҳақидаги ғамхўрлик туфайли пайдо бўлди. Республика ҳукумати, давлатимиз бошлиғи Ислам Каримов ҳар қандай шароитда ҳам бу ғамхўрликни заррача унутаётганлари йўқ. «Соғлом авлод» жамғармаси, «Оила» илмий маърифий маркази каби ташкилотлар тузилиб, уларнинг зиммасига бири-биридан масъулиятли, бири-биридан савобли вазифалар юкланди. «Оила», «Аёллар», «Соғлом авлод» деб аталган йилларда махсус дастур орқали болаларнинг яшаш, ўқиш, даволаниш шароитларини яхшилаш, такомилга етказиш билан боғлиқ юзлаб муҳим тадбирлар амалга оширилди.

«Болалар таомлари холдинг» компанияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 7 январ ва 1999 йил 18 майдаги қарорларига асосан ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига Ғазалкент, Каттақўрғон ва Янгийўл консерва заводлари киритилди.

Мазкур корхоналарга давлат томонидан 51 миллион АҚШ доллари ҳисобида кредит ажратилди. Бу маблағ асосан юқорида айтганимиз — энг мукамал ва энг унумдор ускуна ва жиҳозларни сотиб олиб ўрнатишга сарфланди.

Янгийўл заводида Американинг «Тексуна интернейшнл» фирмасидан олиб келиб ўрнатилган жиҳозларни кўриб ақлингиз шошиб қолади. Ҳам хайбатли-маҳобатли, ҳам бағоят мураккаб, юзлаб-минглаб катта-кичик мурватлар, тугмачалар, қувурлар, қозонлардан иборат бу ускуналар «FOXVORD» компьютерлари орқали бошқарилади. Шунинг таъкидламоқ жоизки, оператор бутун жараёни бошқарув марказида ўтириб кўриб-қузатиб туради. Бизга айтишларича, бусиз ҳам агар жараёнга жуда оз миқдорда ғубор, чанг аралашса ускуналар ўз-ўзидан тўхтар, токи тозалик қайта тикланмагунча ишламас экан.

Бу тизимлар тўла ишга тушса Янгийўл заводининг ўзи йилига 80 миллион дона пластик қутиларда олма, беҳи, шафтоли, олхўри, ўрик, ошқовоқ, сабзи қиёмларини тайёрлаш қувватига эга бўлади. Мазкур корхоналарда, шунингдек, 200 килоли асептик қоқларга шаккар қиёмига беланган мева бўлакчалари жойланиб, экспорт қилинмоқда.



— Корхона-
меҳнат қилади.

кариладиган маҳсулотлар нафақат Ўрта Осиёда, балки МДХ мамлакатларида ҳам тенги йўқ, ягонадир, — дейди корхона директорининг ўринбосари Алишер Иброҳимов. — Ускуналаримиз — соз, унумдор, меваларимиз ширин, ширадор, экологик тоза. Болаларимизни витаминли, тўйимли таомлар билан ўн икки ой мобайнида таъминлаш имконига эгамиз. Бундан буён кўп ва сифатли хомашё етказиб бериб турсалар бас.

Шаҳрисабзнинг «Мевалар камалаги» қўшма корхонаси бугунги кунда республикамизнинг ушбу соҳада ишлаб турган заводлари орасида энг йириги, маҳсулотларнинг хилма-хиллиги, сифати ва миқдори бўйича ҳам қарвонбошиси. Бу ерга ҳам «ПКЛ» ва «Тетра-ПАК» мақомидаги жиҳозлар ўрнатилган.

Андижондаги «Маск» қўшма корхонаси фаолияти ҳам тахсинга лойик. Мазкур корхонани Буюк Британия ва Ўзбекистон тадбиркорлари биргаликда, ташкил этишган. Фирма томонидан сотувга чиқарилаётган ва ошқозон-ичак хасталигига шифо деб топилган «МАСК» маъданли сувлари (Андижон яқинидаги «Фозилмон ота» зиёратгоҳи булоғидан олиб қуйилади) бугун мамлакатимизда жуда машҳур. Бундан ташқари «МАСК» қўшма корхонасида турли мевалардан шарбатлар тайёрлашди, кетчуп ишлаб чиқаришди, ниҳоят бу ерда ҳам асептик қопларга томат пастаси қуйилади. Хуллас, тиним йўқ. Бизга шу ҳам етади деб қониқиш, боқи беғамликка берилиш йўқ, аксинча интилиш, изланиш, янги доvon, янги юксак вазифаларни забт этишга уриниш бениҳоя.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг яхши бир жиҳати шундан иборатки, шиддатли, ишчан, билимдон, жаҳон бозорига интилган, унинг талаб ва шартларини яхши тушунган, хис этган замонавий ёшлар билан бирга тажрибали, ишнинг ҳадисини олган, кўпни кўрган табаррук инсонлар ёнма-ён, бир-бирларини тўлдириб ишламоқдалар.

Бунинг жуда муҳимлигини алоҳида таъкидлашни истар эдик. Ҳар қандай ислохот, бу — ўзига хос инкилобий ҳаракат. У нималарнидир, қайсидир нуктаи назарни, иш юритиш услубини, нокерак бўлиб қолган тажрибани инкор этиш ҳисобига амалга оширилади. Ҳар бир нуктаи назар, дунёқараш, тажриба ортида эса инсон, тирик жон, унинг тақдири турибди. Авлодлар ўртасидаги ихтилоф, келишмовчиликлар, драмалар, ҳатто фожиалар ана шу зайил рўй беради.

Хайриятки, биз бунинг-да олдини ола билдик ва бунга халқимизнинг «қатгани ҳурмат қил, кичикни иззат» каби нақларида, акидаларида жам бўлган улуғ тамойиллар, ҳаёт фалсафаси ва мамлакатимиз раҳбариятининг мустақил Ўзбекистоннинг янги ҳаётини ҳам ана шу азалий кадриятлар асосида қуришга интилаётгани сабаб бўлди.



« М А С К »

лияти билан та-

корхона президенти, яқиндагина олтмиш ёшани нишонлаган рус аёли Лидия Дмитриевна Горохова, молия директори Зиаидов, М.Маҳмудов ва бошқа ёшларнинг бамаслаҳат, ҳамжихат ишлаётганларини кўриб, бунга яна бир бор амин бўлдик.

Бизни айниқса қувонтирган нарса «МАСК» қўшма корхонаси Наманган вилояти «Пешқўрғон» жамоа ҳўжалигида сабзавотни қайта ишлаш бўйича шўъба корхонасини очишгани, у ерда пишиқчилик мавсумида 100-200 кишигача одам иш билан таъминланаётгани бўлди. Камина Пешқўрғонга яқин жойдан бўлганим ҳамда бизнинг кишлоқларда ўтиш даври бир мунча мушкул кечаётгани, ислохотлар исталган самарани бериши учун ҳали анча муаммоларни ҳал этиш даркорлигини билганим учун ҳам корхона раҳбариятига астойдил раҳмат айтдим.

Негаки, азизлар, бир кишлоқдан 200 кишини иш билан таъминлаш, демакки, ризқлик қилишдан ортиғроқ савоб йўқ. Бу ҳозирги замонда энг олийҳимматли аъмолдир. Рисола аввалида ҳам айтган эдик, яна бир бор таъкидласак зарар қилмайди: «Ўзмева сабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясига қарашли заводлар, комбинатлар ўзларига хомашёлар етказиб берувчи ҳўжаликларнинг ижтимоий-иктисодий ҳолати, айниқса, кишлоқ аҳлининг турмуш шароити учун ўзларини бевосита масъул деб ҳисоблаб иш тутмоқдаларки, бу саховат, бағрикенглилик учун уларга минг тасанно айтсак кам.

Гарчи ўзига хос қайта қуриш, жиҳозлаш, янги ҳамкорлар, харидорлар излаш жараёнини бошдан кечираётган бўлса-да, Ўзбекистондаги қурук мева ва сабзавот ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида Тўрақўрғондаги «Ширинлик» корхонаси пешқадам бўлиб турибди. Бу гап «Ширинлик»да тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури (30 хилдан ортик), сифати ва улар қадокданган идишларнинг кўзга яқинлигига тегишлидир.

— Эркин баҳоларга ўтиш даврида корхона бир мунча қийналиб қолган эди, — деди жамоа раҳбари Бурхонжон Абдуғаниев. — Ҳозир кўнгина муаммолар ҳал бўлди. Экспорт қувватимиз 15 фоизга ошди, рентабеллик кўтарилди. Голландия билан қўшма корхона (ҳиссадорлик жамияти) тузганмиз. Тушган маблағ ҳисобига цехларни таъмирладик, янги ускуналар ўрнатишни бошлаб юбордик.

Республикамиз мева сабзавотни қайта ишлаш корхоналари орасида бизда энг ёркин таассурот қолдиргани, барибир, Фарғонадаги «M.S.FOOD Processing Co» заводи бўлди. Биз бу ерда соҳадаги бошқа корхоналар режалаштирган, қисман олиб келиб ўрнатган ускуналарни иш устида кўрдик. Чиройли, бежирим идишларга жойланган нозу неъматларни тотиб кўрдик. Аввалю, корхонадаги саришталик, тозаликдан баҳру



дилимиз очилди
покизалик кор-

лисида, ишчи-хизматчиларнинг оппок кийимларида, яраклаб турган дастгохларида, устма-уст териб қўйилган тайёр маҳсулотларида — ҳамма-хамма жойда барқарор эди.

— бу тозалик,
хонанинг хов-

Қолаверса, бу тозалик корхонада ишлаётган барча қора кўзларнинг кўнглидаги ўз ишидан мамнунлик хисси, кўтаринки кайфияти, демакки эртанги кунга нисбатан ишонч туйғулари билан уйғун, ҳамоҳанг эди. Кўп жойларда маҳсулот қўйиладиган идишларнинг шаклан хилма-хил, чиройли эмаслигидан ёки уларни бурама қопқоклар билан берки-тиш учун шундай идиш ва қопқокларнинг йўқлигидан ҳасрат қилишган эди. Фарғоналиклар бунинг иложини ҳам топибдилар: Қувасойдаги «Кварц» заводи билан бамаслаҳат ишлаб, ана шундай турли ҳажм ва шаклдаги бурама қопқокли идишларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишибди.

Маҳсулотларни (хилма-хил мевалардан тайёрланган шарбат, шинни, мураббо, қиём тузланган сабзавотлар, томат, мева пасталари ва бошқа-бошқа) қўлингизга олсангиз кўзингиз яйрайди, идишнинг ўзи яраклайди, турли ранглар билан жилоланади, унинг ичидаги нозу неъмат ҳам нур сочиб турибди, худди ҳар бир идишга бир қатра қўш нури жойлангандек. Корхона бош директори Ғанижон Бўронов баланд бўйли, ғайратли, билимли йигит экан.

— Кўп йил турли соҳаларда ишлаганман, аммо ўз меҳнатимдан, унинг самарасидан бу йилгичалик яйрамаган эдим, — деди у бизга бири-биридан тотлироқ шарбатлардан қўйиб бераркан. — Буларнинг таъмини қаранг, фойдасини-ку таърифлашга сўз етмайди.

— 1999 йили, — деб ўз сўзида давом этди у. — Заводимиз негизда Саудия Арабистони билан ҳамкорликда қўшма корхона тузилган. Унга Саудия томонидан Маҳмуд Сайид жаноблари раҳбарлик қилмоқдалар. Албатта, ҳар қандай тадбиркор ҳам маълум бир лойиҳага сармоя сарфлар экан — ундан фойда олишни, ўз имкониятларини кенгайтиришни ўйлайди... Бирок, биз бу ўринда жуда олийжаноб ҳамкорга учраганимизни айтишимиз даркор. Маҳмуд Сайид жаноблари ҳамиша бизни бир эзгу мақсад сари йўналтирадилар: маҳсулотларнинг тобора арзон бўлиши, ишчи-хизматчиларнинг тобора кўпроқ маош олиши учун ҳаракат қилишимиз даркор, деб жон қуйдирадидлар.

Жаноб Маҳмуд Сайид хомашё етказиб берувчи хўжаликларга ўзи бориб шартнома тузди ва уларга ёрдам бўлсин деган ниятда шартномада кўрсатилган сумманинг 50 фоизини ҳосил пишгунга қадар тўлаб қўйишга қарор қилди.

ТАЪРИФИНИ ПАРИЖДАН СЎРАНГ!

Ҳа, мухтарам мусохибим! Бугун ўзбек шароб усталари тайёрлаган махсулотнинг шуҳратини, таърифини Париждан сўрайсиз. Ёки ундан ҳам наридан — олис Американинг Сан-Франциско шаҳридан сўрасангиз ҳам хато қилмайсиз — у ернинг мутахассислари бир овоздан ўзбек шаробларини яхши билишларини, юқори баҳолашларини айтишлари аниқ.

Сизга бу гаплар қандий баландпарвоз мактовдай, боринг ана, лофдай туюлаётганини билиб турибман. Ахир, Франция азалдан дунёнинг тан олинган май ва шароб мамлақати, таърифи оламни тутган шаробларни ҳам шу ердан топасиз. Американи-ку гапирмаса ҳам бўлади, қўлини қайга узатса етадиган бу мамлакат кўнгли тусаган юртдан ичимлик олиб келиш имконига эга.

Бари — тўғри. Лекин шаробларимиз ана шу ва бошқа юртларда ўтказилаётган бир қатор кўрик-танловларда офаринлар эшитиб, бўйнига олтину кумуш медал осиб келаётгани ҳам айни ҳақиқат. Бу ҳақда манриди билан ҳикоя қилармиз.

Биз мухтарам китобхоннинг кўнглида уйғонган бошқа бир саволни, андишани ҳам сезиб, пайқаб турибмиз. «Бу қандай гап ахир, ахир динимиз шароб ичишни ман этади, бу одатнинг зарарли эканлиги ҳам исбот этилган гаплардан. Сиз эса бу соҳанинг усталарини шоҳсупага чиқариб, мувафакиятларига олқини айтмоқдасиз» — демокда ана шу андиша.

Аввало, соҳа мутахассислари таъкидлаганларидек, узум шаробини, майини меъёрида истеъмол қилиш юракка қувват бахш этади, унинг таркибида табиатда учраши мумкин аксарият фойдали маъданлар мумжасам. Ҳазалкентлик Машрабжон Махсумов исмли ўз ишининг устаси, дилкаш йигит шундай ривоятни ҳикоя қилиб берди:

Қадим замонларда бир малика юрак хасталигига чалинибди. Қасаллик бора-бора унинг чиройига ҳам даҳл қилиб, шўрлик аёл кундан-кунга ўз латофатини йўқота бошлабди. Турган гапки, кеча-аввалги куни унинг атрофида парвона бўлиб турадиган подшоҳ ҳам аста-секин ундан совубди.

Малика эзилиб, ўлимига рози бўлиб юрган экан, бир куни саройнинг мева-сабзавот омборига кирса бир четдаги идишда қандайдир суюқлик турган эмиш.

— Маликам, — деб тушунтирибдилар унга, — бу ачиган узумлардан ҳосил бўлган бир нарса... ўзиям захардек аччиқ. Ташлаб юбормоқчимиз.

Хонимнинг хаёлига «Агар захар экан, буни ичайин-у, барча изтиробу азоблардан бир йўла қутулайин», деган фикр келибди ва ундан кичикрок идишга қуйдириб, хонасига олиб борибди-да кўзини «чирт» юмиб ичиб юборибди.



Зум ўтмаёк,
кўтарилиб бораёт-

шодлик ва қувват етганини ҳис этибди. У шундан кейин ўша ичимликдан истеъмол қилишга одатланибди... Орадан тахминан бир-бир ярим ой фурсат ўтади-ю, Подшоҳ хотинини кўриб таний олмайди: аввалги ранги захил, каримсиқ аёл ўрнида энди икки юзи нақш олмадек, тўлишган, бир гапириб ўн куладиган гўзал турган эмиш. Подшоҳ, албатта, бу мўъжизавор ўзгаришлар боисини суриштириб билибди.

Узум шароби ана шундай кашф этилган экан.

Чернобилда юз берган маълум фалокатдан кейин у ерга вагон-вагон шароб жўнатилгани маълум, чунки заминимизда етилган узум шароби нурланишни кесиш, даволаш хусусиятига ҳам эгадир.

Майхўрлик ҳам инсоннинг бошқа қусурлари каби фақат тушунтириш, фақат панду насихат, даъват орқали йўқ қилиниши мумкин. Тактиклар, зўрликлар, корхоналарни бирданига тақа-так ёпиб кўйишлар тез кетаётган мошинани кескин тўхтатишга ёки кутилмаганда ўнг ва чапга буриб юбориш билан баробардир. Ҳар икки ҳолатда ҳам бу яхшиликка олиб бормади.

«Ўзбекистонда узум токининг армугонлари» рисоласи муаллифлари шундай ёзадилар: «XX асрнинг 20-йилларидаги тақиқлар контрабанда, мафия ва жиноятчиликнинг мисли кўрилмаган бир тарзда ўсиб кетишига олиб келди».

Милоддан аввалги 1220 йилда ҳамда VI асрларда Хитойда ўтказилган шаробга қарши кураш гиёҳвандлик балоси жуда кенг тарқалишига боис бўлди.

Ёдингизда бўлса, 80-йилларнинг ўртасида ана шундай шўровий, инкилобий кескинлик билан ичкиликбозлика қарши курашиб кўрилган эди ва бу курашнинг қандай оқибатларга олиб келгани кўпчиликнинг ёдида.

Сабру каноат, ақл-идрок билан иш олиб боришнинг нима кераги бор, агарки ана, болта тайёр турган бўлса... Гектар-гектар узумзорлар беомон, бешафкат кесилди, узумда, токда нима айб-а?

Заводларнинг иши тўхтатилди. Ҳазалкентдаги шароб заводида бўлганимизда, айтишдики, ўша пайтлар бу корхона ишлаб чиқарган қиммат виносини Бошқирдистонга олиб бориб тўрт тийиндан топширишга мажбур этилган экан. Натижада бу ва бошқа корхоналар иқтисодий инкирозга учради, айланма маблағидан ажради. Дўконлар тақа-так ёпилди. Бир шиша май анқонинг уруғига айланди. Масала мундоқ осон ҳал бўлар экан у, шу пайтгача ҳеч кимнинг ақлига келмаганини қаранг.

Аммо ўша ҳаракат, ўша уриниш муаммони ҳал этгани йўқ, балки чуқурлаштирди, аввалгидан дахшатлироқ тус берди, холос. Уйда, яширинча очилган майда корхоналарда қўлбола қилиб, демакки ҳаёт учун

Arc d'

Arco
Europa

Arch of Europe
Arc d'Europe
Арка Европы



Europe

ch of rope



«Хўжабод» акциядорлик жамияти раҳбари Баҳодир Ҳашимов Париж шаҳрида «Европа арки» конкурси мукофотини қабул қилиб олмоқда.

Баҳодир Ҳашимов, раҳибатчи акционерного общества «Хўжабод шароит» олучает главный приз конкурса «Арка Европы».

Bahodir Hashimov, the head of the joint stock Company "Khujaobod", is accepting the reward of the competition "Arch of Europe" in Paris.



Янгийўлдаги Усмон Юсупов номли акционерлик фирмасига энг замонавий технологик жиҳозлар урнатилган.

В акционерной фирме имени Усмана Юсупова (г. Янгиюль) установлены самые современные оборудования

Modern technological equipment was installed in the joint stock Company named after Usmon Yusupov in Yangiyul.



Шаҳрисабздаги «Мевалар камалаги» қўшма корхонасида асептик қопларга шарбат қуйиш тизими.

На СП «Мевалар камалаги» (г. Шаҳрисабз) успешно работает линия по упаковке фруктовых соков в асептические мешки

The filling of the wine into the aseptic sacks at the joint venture "Mevalar kamalagi" in Shakhrisabz City.

«ТОШКЕНТ ШАРОБ ОТАЖ



Тизимнинг пешқадам корхоналаридан бири — «Тошкентвино» акциядорлик жамиятининг маҳсулотлари

Продукция «Тошкентвино», одного из ведущих предприятий отрасли

The products of the joint stock Company "Toshkentvino" — one of the advanced enterprises of the system.



Паркент тумани «Заркент» хўжалиги
боғларида.


В садах хозяйства «Заркент»
(Паркентский туман)

In the gardens of the farm "Zarkent" in
Parkent District.



Газалкент шаҳридаги «Конвин» қўшма корхонасидаги тоза шаробларни сақлаш бўлими.
Хранилище СП «Конвин» (Газалкент). Здесь всегда поддерживается идеальная чистота.

The storage of the clean wine at the joint venture "Konvin" in Gazalkent City.
It is always clean here.



«Конвин»даги ишчан ва ижодий кайфият ҳамда завоначий устуналар бу корхонага муваффақият келтирмоқда

На СП «Конвин» всегда царит деловая, творческая атмосфера


At the workshop and laboratory of the joint venture "Konvin" in Gazalkent City.




Усмон Юсупов номли акционерлик фирмасида болалар учун экологик тоза, витаминга бой, дўйимли таомлар ишлаб чиқарилмоқда.

В акционерной фирме имени Усмана Юсупова выпускается высококачественное детское питание

Ecological clean, high-vitamin and full meals are produced for the children at the joint stock Company named after Usmon Yusupov.







Андижон шаҳридаги «Маск» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маъданли сув ва
бошқа маҳсулотлар таҳсинга лойиқ бўлмоқда

Высококачественная продукция СП «Маск» (г. Андижан) давно завоевала любовь и приза-
тельность населения.

Mineral water and other many products manufactured at the joint venture "Mask" in Andijan City
have always been appreciated.



Самарқанддаги М.А.Ховренко номи винокомбинатининг халқаро конкурда қўлга киритган медаллари.

Медаль завоеванные мастерами винкомбината имени Ховренко на международных конкурсах

The medals of the winery named after M.A.Khovrenko which were gained at the international competition.



Ўзмеvasабзавотузумсаноат-Холдинг маҳсулотлари.
Продукция «Ўзмеvasабзавотсаноат-Холдинг»
The products of the "Uzmevasabzavotuzumsanoat-holding".



Ўзмеvasабзавотузумсаноат-Холдинг маҳсулотлари.
Продукция «Ўзмеvasабзавотсаноат-Холдинг»
The products of the "Uzmevasabzavotuzumsanoat-holding".



«Ўзмеvasабзавотузумсаноат-Холдинг» маҳсулотлари
Ўзкўргазмасавдо маркази кўргазма залларида.


На выставочном зале «Узкургазма савдо» продукция «Ўзмеvasабзавотузумсаноат-
Холдинг»

The products of "Uzmevasabzavotuzumsanoat-holding" are demonstrated in the exhibition
halls of the center "Uzkurgazmasavdo".

«Узбекистон ширтовузумсановат-холдинги» маҳсулотлари
Узкурғазмасавдо маркази кулгалима залларида.

На выставочном зале «Узкурғазмасавдо» продукция «Узбекистон ширтовузумсановат-холдинги»

The products of "Uzbekiasabzavotuzumisanovat-holding" are
demonstrated in the exhibition halls of the center
"Uzkurğazmasavdo".







«Ўзмевабзавотузумсаноат-Холдинг» маҳсулотлари
Ўзкўргазмасавдо маркази кўргазма
залларида.

На выставочном зале «Ўзкўргазма
савдо» продукция «Ўзмевабзавотузумсаноат-Холдинг»

The products of
"Uzmevasabzavotuzumsanoat-Holding"
are demonstrated in the exhibition
halls of the center "Uzkurgazmasavdo".





хам, соғлик
да хавфли

учун ҳам ниhoят-
бўлган спирт,

шароб тайёрланиши урф бўлди. Бунинг оқибатида турли касалликлар кўпайса-кўпайдики, озайгани йўқ. Қурбонлар ҳам бўлди. Кайф қиладиган нарса борки, истеъмол қилишга ўргандилар.

Халкни тарбиялаш, бир офатдан халос этиш ниятида бошланган ҳаракат ҳеч қанча вақт ўтмай зўравонлик, ҳақоратга айланиб кетди, дўконларда турнақатор навбатлар, итар-итар, ур-йикит...

Наркомания, токсикомания деган даҳшат балолар бор экан, ўзини қўйиб ривожланиб берди.

Ўшанда кўп тоқзорлар хўжалик раҳбарларининг, соҳибкорларимизнинг жонқуярлиги, боғга меҳру муҳаббатлари туфайли сақлаб қолинган эди. Акс ҳолда шароббоп узумлар бутунлай йўқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Ўзбекистонда узумнинг 30 хилидан баҳраманд бўлишингиз мумкин, шундан 20 таси хўраки ва кишмиш, 10 хили шароббоп навлардир.

Республика боғдорчилик, узумчилик ва виночилик корпорацияси тизимидаги илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан кейинги йилларда узумнинг «Кишмиш ботир», «Кишмиш Хишрау», «Кишмиш Суғдиёна», «Шредер эртагиси» каби янги навлари яратилгани, хўжаликларда ўстириляётгани мактовга сазовордир.

«Археологик топилмалар. — дея қайд этадилар 1997 йилда нашр этилган «Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси» муаллифлари, — Ўрта Осиё ерларида узумдан вино тайёрлаш милодгача маълум бўлганлигини кўрсатади. Хонадонларда узумдан мусаллас, май, шароб, сирка, ғалла донидан бўза каби спиртли ичимликлар тайёрланган.

Милоддан аввалги пайтларок бу заминда шаробсозликнинг кенг тараккий этганини археологлар томонидан топилаётган йирик шароб сақлаш омборлари — хумхоналар, турли ҳажмдаги кўзалар, мустахара деб аталмиш сопол идишлар ҳам исботлаб турибди.

Бухоронинг «Шохруд» агрофирмаси тарихини битганлар, ўтмишга назар ташлаб, шундай дейдилар:

«Боғбонларимиз меҳмонларга мўъжиза неъматлар армуғон этганлар. Хусайни узумининг халқона аталиши «Нон-узум» эди, оқ ва қизгиш, узок фурсат таъми-ю сифати ўзгармай турадиган «Тоифи», дастурхоннинг кўрки безаги — «Шивирғони», келиб чиқиши жаннатдан бўлса керакки шундай аталган — «Беҳишти» ва бошқалар жуда ардоқда эди. Булардан қадим-қадимдан мусалласлар тайёрланган».

1285 йилда «Буюк ипак йўли» бўйлаб саёҳат қилаётган Марко Поло Бухорога келади ва унинг меъморчилик обидалари билан бир қаторда боғлари, узумзорлари, улардан тайёрланган ёқимли винони тотиб кўриб, бундай хуштаъм мусалласни ҳеч қачон ичмаганини эътироф этади.



Бирок, исло-
хукмрон бўлган

соҳаларнинг кенг ривожланиб кетишига албатта йўл қўйилмаган. Фа-
кат, Туркистони шариф Россия томонидан истило этилганидан кейин
мамлакатимиз ҳудудида европача шароб заводлари ўрнатила бошлади.

1806 йили Тошкентга келган корчалон И.Первушин Қўйлик йўли-
да, Салор ариғи қирғоғида ўзининг спирт заводини куради, «Гильом»
ва «Севилья» деб аталмиш қурилмаларни олиб келиб ўрнатади (1867).
Самарқандда эса Филатовнинг заводи ишга тушади (1868).

Тошкентга темир йўл келиб, Россиядан кўчиб келаётганларнинг сони
кўпайгач, тармоқ жуда гуркураб кетди. 1914 йилда Первушин заводи 60
минг дал вино ишлаб чиқарган экан. Бу 1 миллион 200 минг шиша
дегани бўлади.

1925 йилдан бошлаб токзорлар, узумзорларни кенгайтириш чора-
тадбирлари белгиланди, демакки, соҳанинг янада куч-қувватга тўли-
ши учун замин яратилди.

Тармоқнинг бундан буёнги тараққиёти 1927 йилда Ўзбекистонга
келиб ишлай бошлаган машҳур виношунос олим М.А.Ховренко номи
билан боғлиқдир. Айнан шу олимнинг илмий салоҳияти, ҳаракатчан-
лиги, ташаббускорлиги туфайли Ўзбекистонда узум навларини ўрга-
ниш, улардан ишлаб чиқарилаётган вино навлари мажмуини белгилаш,
бу масалаларни илмий асосда олиб бориш ишлари йўлга қўйилди. Узумзор
майдонлар қисқа давр ичида деярли икки бараварга кенгайтирилди. 1927
йилда Самарқанд шаҳрида узумчилик ва виночилик бўйича Ўзбекистон
тажриба станцияси ташкил этилди. Қора жанжал, Таня кўзи, Штур ан-
гур, Баян Ширей, Рислинг, Тавквери, Алеатико каби хўраки ва шароб-
боп узум навлари олиб келиб кўкартирилди.

Бу ишларнинг ҳаммаси жуда катта ташкилотчилик, тадқиқот ва меҳ-
нат билан амалга ошганини айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Қаламга олинган тармоқда хўраки ва майизбоп , шароббоп узум
навлари, олма ва бошқа мевалардан 36 хил турли винолар, 7 хил шам-
пан ва қайнар шароблар, 11 хил коньяк ва 7 хил арок ишлаб чиқарила-
ди.

Бу тармоқ ходимлари, мутахассислари, ўз саноатларини давлатнинг
сердаромад соҳаларидан бири эканлигини яхши ҳис этиб ишламоқда-
лар. Ҳар қандай мутахассис эса ўзи мансуб саноатни ривожлантириш,
такомиллаштириш ҳаракатида бўлиши табиий ҳолдир.

Биз ҳикоя қилаётган соҳанинг хизматчилари ҳам бундан мустасно
эмас: кеча-ю кундуз изланишдалар.

Мустақиллик йиллари аксарият корхоналар ўзларига хомашё етқа-
зиб берувчи қишлоқ хўжалик жамоалари билан бирлашиб агрофирма-
лар тузишди. «Мастона» (Қўқон), «Наманганвино», «Ўзбекистон шам-



пани» ва қатор
лар мисолида
ки, бундай фирмаларнинг тузилиши ҳар томондан афзал бўлмоқда.

бошқа корхона-
айтиш мумкин-

Собиқ иттифок тарқагач, иқтисодий алоқалар узилди ва бир қатор муаммоларни кун тартибига қўйди. Республика шароб ишлаб чиқариш саноатида ўша йиллари спирт тақчиллиги юзага келди. Бироқ зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида Бухоро, Самарқандда спирт цехлари ишга туширилди, Тошкент вино заводидаги цех эса кенгайтирилди. Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спирт ўз саноатимиз эҳтиёжларини тўла қоплайди, сифат кўрсаткичлари жиҳатидан ҳам ҳеч кимникидан қолишмайдиган даражада. Урганч, Фозил Йўлдош номли, «Сирдарё», «Фалла Осиё» жамоа ҳўжалиги заводларида эса коньяк спирти тайёрланади.


Истиқлол кун тартибига қўйган бошқа муаммо бозоримизга чет эл спиртли ичимликларининг ёпирилиб кириб келиши туфайли пайдо бўлди. Кўрдикки, ўзимизни қанча моҳир ва уста ҳисобламайлик, маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи, ва айниқса, ташқи кўриниши борасида ўрганадиган жойларимиз бор экан. Соҳа хизматчилари ҳамини изланишдалар леганимизда айнан шуни назарда тутган эдик — барча жойда бўлгани каби бу ерда ҳам изланиш, интилиш суръатининг пасайиши, депсиниш инқирозга олиб келади.

Ўшанда дастлабки 3-4 йил ичида шароб корхоналаримиз 45 хил янги маҳсулот тайёрлай олдилар. «Мадера», «Херес», «Жилвор» каби вино турлари ҳам ўзимизда чиқадиган бўлди. Кўпгина корхоналар ўз маркаларига эга бўлдилар.

Юқорида қайд этилган уч-тўрт йил ичида Қўқондаги «Мастона» корхонасининг ўзида «Оқ», «Хавоқанд», «Қўқон», «Мастона» ароқлари ҳамда «Сардор», «Майсара», «Ҳилол» каби ташқи безаклари, сифати, таъми ўзгача янги винолар ишлаб чиқарилди. Корхонанинг «Мастона» ароғига чет элларда ҳам харидорлар бор.

Бу йиллар мобайнида «Ўзбекистон шампани», «Наманганвино», «Мастона», «Урганчшароб» каби корхоналарда Германиянинг «Нагема» фирмасидан келтирилган шароб қуйиш ва қадоклаш тизими ўрнатилди. Мазкур технология ёрдамида тайёрланган маҳсулотлар Европа андозаларига мос келишини таъкидламоғимиз даркор. Навбатда «Тошкентвино», «Шохруд» (Бухоро), «Навикул» (Андижон вилояти) ва бошқа корхоналар турибдики, буларга ҳам энг замонавий жиҳозлар ўрнатиш яқин кунларнинг режасидадир.

Мана шу ускуналар яратган қулайлик ҳамда мутахассисларнинг ўз ишларига астойдил, ижодий ҳавас билан ёндошганлари боис «Наманганвино» корхоналари усталари мустақиллик йиллари «Тонг», «Осиё», «Ойдин кеча» каби янги ароқ, «Наманган садафи», «Фарҳод», «Токай», «Гулбахор» каби янги вино навларини тайёрладилар.



Корхона бош
жон Тожибоев

инженери Одил-
ижод этилган

хар бир вино ва арокнинг таъми, таркибида турфа хислатлар, ўзгаришлар борлиги, уларнинг номланишида ҳам сиру асрор мавжудлиги хакида шоирона кўтаринкилик билан гапирди.

«Гарчи вақт ўтиб бошқа ҳудудларда қатор турдаги корхоналар ташкил топган бўлса-да, «Тошкентвино» корхонаси шу кунгача республикада етакчилик мавқеини қўлдан бермай келаяпти», — деб ёзадилар бу корхона тарихини битганлар. — Қуйидаги рақамлар ҳам буни тасдиқлайди. Холдинг компанияси тизимида «Тошкентвино»нинг хиссаси бугунги кунда узум виноси бўйича 20, 8, қувватли ичимликлар (арок) бўйича 25,4, спирт хомашёси бўйича 63, 8 фоизни ташкил этади.

Мазкур меҳнат жамоасида тайёрланган «Ҳосилот», «Алеатико», «Буваки», «Ўзбекистон», «Фарход», «Саперави», «Қизил мусаллас», «Офтоби», «Херес», «Тошкент» каби ичимликларнинг турли йилларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлганини айтилса унинг нафакат миқдор, балки сифат борасида ҳам пешкадам, отахон корхона эканлиги маълум бўлади.

Шампан виносини шоҳлар ичимлиги-ю ичимликлар шоҳи деб атайдилар. Турган гап бундай зоти олий шаробни тайёрлашнинг ўзига яраша мураккаб, нозик жихатлари бор. Ўзбекистонда бу нав виноларни ишлаб чиқариш ҳаракати 1942 йилдан бошланган. 1944 йилда эса бу ичимлик тайёрланадиган корхона ишга тушириб юборилди. 1960 йилдан бошлаб корхона «Тошкент Шампань винолари заводи», 1996 йилдан эътиборан эса «Ўзбекистон шампани» номи билан очик турдаги акциядорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Корхона жамоаси томонидан байрамларимиз, тантаналаримиз дастурхонига тортилиб, қўлчиликни хушнуд этаётган «Олтин фаввора», «Нафис», «Ўзбекистон шампани» каби ичимликлар хуштаъм-хушбўйлиги, оромбахшлиги билан бошқа «шоҳлардан» устун бўлса бор, аммо сира кам эмас.

Энди рисоламизнинг шу боби аввалида айтилган ва маҳсулоти таърифини Париждан ёки Америкадан сўрацингиз мумкин корхоналар хусусида. Шунини эътироф этмоғимиз даркорки, Ўзбекистон шароб усталари азалдан собик иттифок ва хорижий мамлакатларда ўтказиладиган халқаро кўргазмаларда фаол ва муваффақият билан қатнашиб келадилар. Самарқандда тайёрланган шароблар эса ўтган асрнинг бошларидаёқ Францияда ўтказилган кўрикда ғолиб чиқиб, фаранг усталарини лол қолдирган эди. Шундан кейин, 1920 йили парижлик виночилар Самарқанд завоидига қарашли «Қорақўл» корхонасига атайин келишадиган, «Беҳиштий» узумидан тайёрланган винони олиб кетишади ва ўз шаробларига «тўлдирувчи» сифатида қўшиб ишлатиб юришади. Фақат-



гина 1995-97
кистон», «Васса-

йилларда «Ўзбе-
рға», «Гулякан-

доз», «Юмалоқ» ва бошқа винолар бу хил кўргазмаларнинг 29 хил медалига сазовор бўди, «Ўзбекистон», «Шодлик» коньяклари эса олтин медал билан мукофотланди.

1996-2000 йилларда эса Самарқандлик майчиларнинг «Балзам», «Гулякандоз», «Ўзбекистон», «Самарқанд» каби ичимликлари Ялта ва Санкт-Петербургда ўтказилган кўрикларда мунтазам равишда олтин медал ёки бош мукофот соҳиби бўлиб қайтди.

Самарқандлик Бобожон ака Мусурмонов эса Ўзбекистон виночилик саноатини камолга етказишда кўп йиллик фаол меҳнат билан жуда катта ҳисса қўшган ўз ишининг устаси, тажрибали раҳбарлардан биридир. У ўз фаолияти давомида бир неча корхоналарда турли лавозимларда ишлаган. Бироқ каерда бўлмасин, ўзи танлаган касбга, ҳунарга содик қолди. Самарқанд май мохирларининг фаҳри бўлган «Шердор», «Афросиёб», «Бози беҳишти», «Тиллакори» каби ичимликлар шу устаси фаранг инсон иштирокида ижод қилинган.

Бухоро вино заводи «Шохруд» агровино» фирмасига айлантирилди ва унга вилоятдаги шу соҳага мансуб корхона ва хўжаликлар бирлаштирилди. 1991 йилда завод мутахассислари Америка қўшма корхоналарига 40 минг декалитр арок экспорт қилдилар. Тушган маблағ ҳисобига эса соатига 6 минг бурама қопқоқли шишага май қуядиган немис ускуналарини олиб келиб ўрнатдилар.

Бухоролик май усталари ўзлари ижод қилишган «Жилвон», оқ ва қизил мусаллас каби ярим ширин майлар билан фахрланадилар. Бу табиий, нега деганда «Жилвон» 1997 йили Санкт-Петербургда бронза, 1999 йили Ялтада олтин медал билан тақдирланган. Ялтадаги бу кўрикда заводнинг «Бухоро» коняги кумуш, «Кагор» виноси олтин, «Шохруд» виноси кумуш, «Бухорий» ва «Жондор» винолари бронза медалларига сазовор бўлган эди.

Андижон вилоятига қарашли «Хўжаободшароб» ҳиссадорлик жамиятининг «Гулбулок» виноси эса Парижда ўтказилган кўргазмада «Европа арка»си дипломига сазовор бўлди. Бу дегани мазкур корхонанинг маҳсулотлари Овруро талабларига жавоб берадиган даражада дея тан олингани, уларга шу қитъанинг дарвозалари очик деб эълон қилинганидир.

Хўжаободликлар бу билан изланиш-интилишни тўхтатиб қўйганлари йўқ. Ҳозир улар Канаданинг «Бианка интернейшнл» фирмаси билан шартнома тузишган ва шу асосда бу мамлакатга ҳам маҳсулот етказиб бермоқдалар.

Тошкент вилоятидаги сўлим, мрамарҳаво манзил, мусаффо чашмалар макони Ғазалкент шаҳарчасида жойлашган «Конвин» қўшма корхонасининг муваффақиятлари ҳам шундай қувончли, гурурбахшидир.

Ғазалкентликлар ўзларини таъриф этганларидек, бу ерда бир неча озик-овқат корхоналаридан бўлак заводлар, фабрикалар йўк, билингики, булоқлар ва қорларнинг табиий суви тозадан тоза, тоғнинг ҳавоси табиат париси кийган кўйлақдай шаффоф, кўёшнинг шифобахш ёғдуси мўлкўл. Тупрокнинг таркиби ҳам захри қотилдан покиза. Буларнинг барчаси дунёдаги энг асил, хуштаъм, фойдали узум, сўнгра эса мўъжизавор ичимликка айланади.

Қайд этганимиз корхонада жуда дилкаш, ўз ишининг ижодкор устаси бўлган инсонлар меҳнат қилишади. Ғофир Мамажонов, Машрабжон Махсумов, Раҳматулла Сайдуллаев, Манлудахон Назарова ва бошқаларнинг изланишлари натижаси ўларок ҳозир бу ерда «Сижжак», «Оқтош», «Наврўз», «Алеатико» каби винолар, «Ғазалкент», «Чимён», «Хумсон» сингари ароқлар ишлаб чиқарилмоқда. Буларнинг барчаси ҳам жуда харидоргир, жуда машҳурдир. «Сижжак» қизил хўраки виноси Америка вино усталарининг Лас-Вегас шаҳрида, «Оқтош» ва «Кагор» винолари эса Сан-Франциско шаҳрида ўтказилган нуфузли кўрғазмаларида сертификат олишга муваффақ бўлди. Бу ҳам Америка бозорларига йўл очилди деганидир.

Биз ушбу рисолани тугатар эканмиз Ўзбекистон боғларига ёшгина баҳор келган, атроф-жавониб унинг нашидаси — сурури билан яйрамоқда эди.

Мустақилликнинг ўнинчи баҳори.

Улуғ умидларнинг, эркин меҳнат ва ижоднинг ўнинчи кўклами.

Беминнат нону ризқ, тўқинчилик, дориломонлик бермоғи муқаррар, парвозларга мушарраф этмоғи аниқ — қанотбахш баҳор.

Озод баҳорларинг муборак бўлсин, боқий бўлсин, азизим Ўзбекистон!

Лутфулла МАХМУД

В САДЫ ПРИШЛА ВЕСНА...

«Тошкент ислом университети» — 2001 г.

ВЫСОКОЕ ДОВЕРИЕ ОПРАВДАЕМ!

Для экономики независимого Узбекистана производство и переработка овощей, фруктов и винограда имеют особое значение. Всегда плоды нашей земли украшали наши столы и пользовались спросом в ближнем и дальнем зарубежье.

В годы независимости руководство страны уделяло большое внимание развитию этой отрасли хозяйства. Подтверждением могут служить принятые правительственные документы.

В соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан «О демонаполизации и специализации плодо-овощного хозяйства» в 1997 году создана компания «Узмевасабзавотузумсаноат-холдинг», в которую объединились 27 фирм, 40 перерабатывающих предприятий, 89 сельских хозяйств, 15 совместных предприятий и компания «Болалар таомлари холдинг», имеющая 3 производства.

За время своего существования компания выполнила намеченные задания правительства. Объём производимой продукции вырос в несколько раз, улучшилось ее качество. В результате все, что произведено работниками холдинга, нашло достойное место на внутреннем и внешнем рынке.

Однако специалисты отрасли не остановились на достигнутом и постоянно находятся в творческом поиске. У нас достаточно возможностей, чтобы реализовать наши большие планы и замыслы. Сейчас делается все для их внедрения в жизнь.

Весь коллектив холдинга поставил перед собой конкретные задачи. В результате уже осуществленных проектов резко повысились объемы и качество продукции, производимой нашими предприятиями, намечено в несколько раз увеличить экспортные возможности компании.

В прошлом году холдинг выпустил продукции на 100 миллиардов сумов, сумма, вырученная от экспорта, составила 6 млн. 300 тысяч долларов США. Это в 3-4 раза больше, чем предыдущие годы. В текущем году мы планируем реализовать экспортной продукции на 11 млн 800 тысяч долларов США. По сравнению с достигнутым уровнем получится рост на 187%. И это тоже не является пределом!

Мы надеемся, что когда войдет в строй завод стеклотары в Сергелях, многие наболевшие проблемы будут сняты. На этом заводе предусмотрен выпуск самых разнообразных видов стеклотары с современным дизайном, соответствующим мировым стандартом. Другая важная проблема — увеличение числа конкурентоспособных совместных предприятий с иностранными инвесторами и разными формами собственности. За



последние 3-4
16 совместных

которые производят сейчас 20% всей продукции холдинга. Они имеют возможности и мощности для увеличения этой цифры. Такие совместные предприятия, как «Мевалар камалаги» (Шахрисябз), «Андижон дурдонаси», «Махмуд Саид» (Фергана) вносят особо весомый вклад в выпуск нашей экспортной продукции.

года у нас создано
предприятий,

Глава нашего государства, оказывая глубокое доверие работникам нашей отрасли, сказал так:

«Издавна виноград и фрукты приносили славу Узбекистану своими высокими качествами — здесь растут и такие ценные субтропические растения, как инжир, гранат, хурма. В республике имеются мощности для их переработки, а также возможности вывоза в свежем виде и реализации за пределами страны. Выращенные в республике фрукты и виноград являются экологически чистыми, они содержат большое количество драгоценных микроэлементов и обладают лечебными свойствами.

Если обеспечить отрасль современными технологиями переработки плодо-овощной продукции, техникой для расфасовки и упаковки, внедрить маркетинг, то можно получить большие и качественные результаты».

Слова Президента работники нашего холдинга приняли как программу действия и самоотверженно трудятся чтобы оправдать это высокое доверие.

*Азимжон Аюпов, председатель корпорации
«Узмеваабзавотузумсаноат-холдинг»*



Древняя мудрость гласит: тот, кто заранее готовится к трудному путешествию, никогда не устанет в пути и обязательно дойдёт до цели.

В Узбекистане, устремлённом в светлое будущее, царят мир, дружба и единство. В этих условиях всё общество работает не покладая рук, следуя мудрому убеждению, издавна бытующему в узбекском народе: «Тому, кто ищет, помогает Всевышний».

Наш многонациональный народ с любовью пестует бесценное дитя — независимость, то, что дало узбекской земле свободу, справедливость и благополучие.

«Узмева сабзавотузумсаноат-холдинг» — причудливое сочетание восточных и западных слов — означает объединение значительного числа больших и малых хозяйств и предприятий сельскохозяйственного профиля. На примере его интересных, перспективных планов и работ, как в зеркале, видны те огромные сдвиги в жизни нашей родины, которые стали проявляться с первых же дней независимости.

Во-первых, трудовая деятельность в холдинге отвечает требованиям времени. Новое время воспитало новое отношение людей к работе.

Во-вторых, в учреждениях и хозяйствах появилось оборудование, отвечающее мировым стандартам.

В-третьих, каждый работник холдинга — от простого садовника до высшего руководителя стал относиться с чувством подлинного хозяина к земле, саду, к технике и к плодам коллективного труда.

Казалось бы, всё понятно. Но необходимо подчеркнуть то, что можно назвать народной ответственностью, которая так нужна в трудное переходное время, некую духовную силу, поддерживающую трудолюбивых, мужественных и терпеливых людей, кто силою воли и разума преодолевает преграды на пути к прекрасному будущему.

В основе всех наших начинаний, как известно, лежит идея мирной благополучной жизни народа, идея избавления людей от нужды, несправедливости и унижений.

Не будем касаться далекого прошлого — окинем кратким взглядом лишь XX век. Сколько раз менялась политика в нашей стране! И каждый новый руководитель, забрасывая камнями предьдущего, предлагал «идти другим путём», поднимал пыль столбом и направлял телегу жизни в противоположную сторону. Воздушные замки в живописных, витиеватых узорах обещаний становились всё величественнее, по уверениям высокомерных чиновников вот-вот должна была восторжествовать небывалая справедливость, но телега жизни оставалась всё на том же месте...



Независимым, прежде всего, тем, что теперь появилась реальная возможность построить новое государство, опираясь на свои собственные духовные корни, на свои убеждения и национальную идею, а не по чей-то указке, насильно привнесённым обычаям и обрядам, без подчинения чужим принципам.

Нужно рационально использовать все возможности, чтобы в Узбекистане навек установилась межнациональная солидарность и справедливость. Поэтому наше правительство выбрало особый, шадящий путь проведения реформ: переход к рыночным отношениям осуществляется вместе с действенной политикой социальной поддержки населения.

В рамках этого пути и было принято в 1997 году специальное решение Совета Министров Республики Узбекистан «О мероприятиях по углублению демонополизации и специализации в плодоовощном хозяйстве республики». Тогда и был создан «Узмевасабзавотузумсаноат-холдинг».

Само название холдинга показывает, что он является важным звеном прогрессивного процесса формирования в Узбекистана новых социально-экономических отношений с изменёнными формами собственности.

Компания объединила 27 фирм, производящих, хранящих, перерабатывающих фрукты и овощи, 40 специализированных перерабатывающих предприятий, 89 сельско-хозяйственных и 15 производственных объединений и 3 предприятия «Болалар таомлари-холдинг» по их добровольному согласию. Основной пакет акций фирм, объединений и предприятий передан государством холдингу.

Работники компании видят главную цель своей работы в выпуске продукции, которая соответствовала бы мировым стандартам и по вкусу, и по оформлению, нравилась бы потребителю.

Для этого продолжается работа по углублению приватизации, что, кстати, и является гарантом прогресса.

Благодаря привлечению иностранных инвестиций производственная база компании оснащается самым современным оборудованием. Именно так удалось обеспечить высокий темп роста, и в течении нескольких лет холдинг превратился в одну из крупнейших составляющих экономики страны.

Имея современное оборудование, работники холдинга не только производят саму продукцию, вызывающую восхищение на мировом рынке, но добиваются соответствующим образом улучшения и её внешнего оформления.



... Хороша
димо, создавая

наша земля! Ви-
её, всевышний

хотел сделать её подобной раю, где люди могли бы обрести счастье. Наверное, поэтому национальной чертой народа, населяющего Узбекистан, является неуклонное стремление украшать землю. Даже тот, кому осталось и жить-то совсем немного, увидев свободный клочок земли, постарается посадить здесь дерево или цветок. Наш народ таков, что из обыкновенной веточки, воткнутой в землю, обязательно вырастит прекрасное дерево!

Наша страна имеет многотысячелетние традиции земледелия и садоводства. Далёкие предки нынешнего населения Узбекистана ещё в каменном веке обрабатывали землю. Интересно, что какие бы древние стоянки первобытных людей не изучали археологи на территории Узбекистана, они находили не военное снаряжение, а орудие труда. Старинные арыки и каналы для полива растений существуют и сегодня. Из первоисточников известно, что древнейшие ирригационные сооружения Амударьинского, Зарафшанского и Сырдарьинского оазисов по сложности и прочности превосходили всё, построенное позже.

Уже шесть тысяч лет тому назад в Средней Азии начали культивировать виноград.

Из года в год, из века в век навыки земледелия и садоводства наших предков накапливались, превращаясь в подлинную науку. Создавались новые, лучшие сорта фруктовых деревьев, развивались методы ухода за ними, способы повышения урожайности, приёмы хранения и переработки. Изобретались деликатесы из фруктов. Многие великолепные сорта винограда (хусайни, келин бармок, катта-курбан, нимранг, сохиби, паркати, пушти тоифи), абрикосов (субхони, хурмои, исфара, кок урюк), яблок (джонаки, кизил олма), груш (кизил нашвати, косон ноки) созданы узбекскими учёными-садоводами и прославились на весь мир.

